Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 23 январь, чоршанба   Баҳоси сотувда эркин нархда   № 6 (7409)

**Da'vat**

*Қаерда ақл бўлса, қудрат ҳам ўша ердадир.*

***Виктор ГЮГО***

**Ibrat**

***Москвада бўлиб ўтган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўқувчиларининг рус тили бўйича Халқаро олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Россия олий ўқув юртларига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқини берувчи олтита совринли ўриннинг иккитаси ҳамюртларимизга насиб этди.***

## 2002 ЙИЛ 27 ЯНВАРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Қадрли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига биноан 27 январь — якшанба куни мамлакатимизда қуйидаги икки масала бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади.

Биринчи масала: Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

Иккинчи масала: Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Референдумга қўйиладиган иккала савол ҳам битта овоз бериш бюллетенига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрий ва эркин бўлиб, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Овоз бериш муддати соат олтида бошланади ва соат йигирмада тугайди.

Овоз бериш биносига келгач, фуқаро участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан сўнг унга овоз бериш бюллетени берилади.

Бирор бир сабаб билан фамилияси рўйхатга кирмай қолган фуқаролар шахсини ҳамда турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритилади.

Бюллетенни олгач, фуқаро яширин овоз бериш хонасига киради. Бюллетенда уни тўлдиришнинг тартиби тўғрисида тушунтириш ёзиб қўйилган. Фуқаро референдумга киритилган масалани маъқулласа, бюллетендаги таъриф матнини ўчирмайди, аксинча қарши овоз берадиган бўлса, таъриф матнини ўчиради.

Шундан сўнг фуқаро овоз бериш хонасидан чиқиб, бюллетенни овоз бериш қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетени фуқаронинг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин.

Овоз бериш куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаро ўз турар жойидаги референдум ўтказувчи участка комиссиясидан ҳисобдан чиқиш гувоҳномасини талаб қилиб олиши мумкин, бу гувоҳнома уни референдум ўтказувчи бошқа ҳар қандай участкада овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритишлари учун асос бўлади.

Референдум тўғрисидаги Қонунда бюллетенни мустақил равишда тўлдира олмайдиган, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериладиган бинога кела олмайдиган фуқароларнинг ҳам овоз беришда иштирок этишини таъминлаш чоралари белгилаб қўйилган. Фуқаролар референдумда қатнашиши билан боғлиқ шу сингари ҳамда бошқа масалалар бўйича турар жойлардаги участка комиссияларига мурожаат этишлари мумкин.

Муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси референдуми фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини бевосита ифода этиши воситаси бўлиб, ҳар биримиздан юксак масъулият билан ёндошишни талаб этади. Референдумда фаол қатнашиб, ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни адо этайлик.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ
**БЮЛЛЕТЕНИ**
**БЮЛЛЕТЕНЬ**
ДЛЯ ГОЛОСОВАНИЯ
НА РЕФЕРЕНДУМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

676

**2002 йил 27январь**   **27января 2002 года**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГИ**

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

Согласны ли Вы с избранием в следующем созыве двухпалатного парламента Республики Узбекистан?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Согласны ли Вы с изменением конституционного срока полномочий Президента Республики Узбекистан с пятилетнего на семилетний?

***Ёқлаб овоз берилганда саволнинг матни ўчирилмайди.***
***Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчирилади.***

***При голосовании "за" текст вопроса не зачеркивается.***
***При голововании "против" текст вопроса зачеркивается.***

*Изоҳ:* Тошкент шаҳар референдум округи бюллетени намуна сифатида берилмоқда

## ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ

***Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу олий ўқув юртини ташкил қилишдан кўзланган мақсад мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшадиган, етук ва салоҳияти юксак кадрлар тайёрлаб беришдир.***

***Хўш, Вестминстер университети қандай олий ўқув юрти? Масаланинг бу жиҳати ўта муҳимдир. Мухбиримиз Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорини шарҳлаш мақсадида "Умид" жамғармаси ижрочи директори Музаффар Зиёевдан қуйидаги интервьюни олди.***

— Вестминстер университети Англия пойтахти Лондон шаҳри марказида жойлашган йирик олий ўқув даргоҳларидан бири бўлиб, у 1938 йилда политехника институти сифатида ташкил этилган. 1992 йилдан эътиборан университет мақомини олди. Ҳозирги кунда бу ерда тахминан 20-20,5 минг атрофида талаба ва аспирантлар таҳсил олишади. Уларнинг аксариятини, яъни 15,5 минггдан кўпроғини талабалар, қолганини эса аспирантлар ташкил этади. Университетда жами таҳсил олувчиларнинг 13,3 фоизи бошқа давлат вакилларидан иборат. Буюк Брита-ниядаги мавжуд 120 дан ортиқ университетлар орасида у бизнес, иқтисод, ҳуқуқ соҳаларига кадрлар тайёрлаш бўйича олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Тошкент шаҳрида халқаро Вестминстер университетининг ташкил этилиши асосий вазифаси, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижроси билан чамбарчас боғлиқдир. Миллий давлатчилигимизга хос бўлган таълим тизими моделини вужудга келтириш, унинг сифатини ошириш, миллий дастурнинг мазмунмоҳиятини ташкил этади. Бугунги кунда замон талабларига жавоб берадиган мутахассислар ҳар бир соҳа учун сув ва ҳаводек зарурлиги сир эмас. Бундай мутахассисларга талаб қисман хорижий дав-

**Qaror va sharh**

лат олий ўқув юртларида таҳсил олиб келаётган кадрлар ҳисобига қондирилмоқда. Аммо бу жараёнда давлат бюджетидан кўп миқдордаги маблағ сарф бўлаяпти. Шу боис юртимизда ташкил этилажак Вестминс-тер университети ортиқча сарф-харажатларга чек қўяди. Бундан ташқари, "Устоз" жамғармаси орқали кўпгина ўқитувчи-мураббийлар ривожланган хорижий давлатларда ўз малакаларини оширишга муваффақ бўлишаяпти. Республикамизда 500 мингдан зиёд ўқитувчи-мураббийлар бор. Уларнинг барчасини хорижда ўз малакаларини ошириши учун имконият йўқлиги табиий. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Вестминстер университети ўқитувчи-мураббийларимиз учун ҳам илғор тажриба майдони вазифасини ўтайди.

Олий таълим сифатига қўйиладиган халқаро талабларга, Миллий дастур мақсад ва вазифаларига мувофиқ, "Иқтисодиёт", "Менежмент", "Ахборот технологиялари" ва "Ҳуқуқ" йўналишлари бўйича бакалавр ва магистр мутахассислар тайёрлаш бу университет зиммасига юкланади.

Ушбу университет 2002-2003 ўқув йилидан ўз фаолиятини бошлашга ҳозирлик кўрмоқда. Тахминий ҳисобларга кўра, университетга 120-160 нафарга яқин талаба қабул қилиниб, бакалавриат ва магистратура босқичлари бўйича уларга Вестминстер университетини тамомлаганлик тўғрисида диплом берилади. Ўқитиш жараёнининг дастлабки уч йили давомида буюк британиялик ўқитувчи-мураббийлар дарс олиб борадилар. Кейинчалик, ўзимизнинг мутахассислар ҳам улардан иш ўрганишгач, бунга эҳтиёж қолмайди.

Умуман, республикамизда халқаро миқёсдаги янги олий ўқув юртининг очилиши катта ўзгаришларга замин яратади. Ва бу таълим соҳасидаги яна бир дадил қадамдир.

**Ф.БЎТАЕВ суҳбатлашди**

**Xalqaro hamkorlik**



## МУШТАРАК МАҚСАД САРИ

Пойтахтимиздаги Япония бизнес марказида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўзбекистонлик ёшларни замон талаблари даражасида ўқитиш, уларнинг соғлом вояга етишлари ҳамда республиканинг чекка ҳудудларидаги хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун янги иш ўринларини ташкил этиш, касб-ҳунар ўргатиш мақсадида ишлаб чиқилган беғараз иқтисодий ҳамкорлик йўналишидаги лойиҳа асосида умумий қиймати 415 минг 584 АҚШ долларига тенг ўқув жиҳозлари, тиббий асбоб-анжомларни топшириш тўғрисидаги шартномаларнинг имзоланиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Япония давлати томонидан Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Кёко Накаяма хоним ва элчининг биринчи котиби Таданори Куманолар иштирок этишган бўлса, Ўзбекистон томонидан республика Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов, вазирликнинг Халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи Баҳодир Шамсиев ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган вакиллар иштирок этишди.

— Маълумки, Ўзбекистон-Япония ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам пойдеворга эга, — дейди ўз нутқида элчи маросимни очар экан. — Йил сайин давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларда янада ривожланиб бормоқда. Шуни эътироф этиш лозимки, юртингизда ёш авлод келажагига алоҳида эътибор қаратилган. Биз эса бу йўлда сизга елкадош бўлаётганимиздан мамнунмиз.

Ўз ўрнида сўз олган Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов ёшларимиз камолоти йўлида Япония давлатининг кўрсатаётган кўмаги, эътиборига миннатдорчилик билдирар экан, халқларимиз ўртасидаги яқинлик, дўстлик алоқалари бундан кейин ҳам равнақ топишига ишонч билдирди.

Шартномаларни имзолаш маросими якунлангач, биз Япония элчихонаси грантини олган Фарғона шаҳрининг 30-мактаби директори Илҳомжон Миркаримов билан суҳбатда бўлдик.

— Бизнинг мактабимиз шаҳарнинг энг чекка қисмида жойлашган бўлиб, унда 2,5 минг нафар ўқувчи таҳсил олиб келмоқда. Шу боисдан ёзган мурожаатномамиз элчихона томонидан қабул қилиниб, ўқувчиларимизнинг жаҳон талаблари даражасида билим олишлари учун 35379 АҚШ доллари қийматидаги компьютер технологиялари, спорт анжомлари, ўқув қуроллари бериладиган бўлди.

— Фарғона вилоят «Мурувват» ногирон болалар уйига ҳам 50511 АҚШ доллари ажратилди, — дейди суҳбатда «Мурувват» уйи директори Ниёзали Ҳасанов. Эндиликда ушбу маблағлар ногирон болаларнинг соғлиғини тиклаш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун тиббий асбоб-анжомлар, ошхона жиҳозлари ҳамда қаттиқ ва юмшоқ мебеллар олиниши мўлжалланмоқда.

Дарҳақиқат, ёшлар таълим тарбиясига эътибор — келажакка пойдевор демакдир. Зеро, юрт равнақи, унинг эртаси бугун ўсиб келаётган ёш авлод камолида намоён. Ўзбе-кистон-Япония ўртасидаги бу борадаги ҳамкорлик алоқаларининг кун сайин ривожланиб боришида ҳам худди ўша муштарак мақсад — келажак учун масъуллик ҳисси ётибди, десак янглишмаймиз. Зотан, бу ўтказилган анжуманда ҳам ҳар икки томон вакиллари томонидан кўп бора эътироф этилди.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**
**Суратда маросимдан лавҳа.**
**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар**

### КОМИЛ ИНСОН — КОМИЛ ЖАМИЯТ: АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА

**"Биз етолмаган умидларга келажак наслларнинг етмоғи мумкин... Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига чақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан лаббай, деб жавоб берурмен".**

**2-бет**

### ШАКЛ ИЧИДА ШАКЛ

**Хўш, масала ечиш жараёни қандай амалга оширилиши керак? Масалалар ечишнинг маълум бир усули, схемаси борми?**

**3-бет**

### ЭРТА УЧУН БУГУНДАН ҲАРАКАТ

**Бўлғуси кадр ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, унга эътибор бериш, қўллаб-қувватлаш, йўлйўриқ кўрсатиш бобида биз билан ҳамкорлик қилмайдиган алоқа корхонасининг ўзи йўқ.**

**4-бет**

### ЯХШИЛИК КУЧЛАРИ ТУШАДИГАН ДИЁР

**Аждодларимиз бундан қарийб 3 минг йил аввал башорат қилган осмондан келадиган яхшилик кучлари борлигини бугунги кунга келиб россиялик олимларнинг Новосибирск шаҳри яқинида жойлашган ғорларни илмий текшириш натижалари тасдиқлади.**

**5-бет**

### ҚОР ПАРЧАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

**— Жуда яхши, мен сени орзуларингга етказаман. Сувга айланишни истамайсан. Доимо чиройли, оппоқ бўлишни хоҳлаяпсан. Фақат менга ҳеч қачон йиғламайман, деб ваъда бер.**

**8-бет**

## СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ




### ОЛИЙ МАЖЛИСДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси Исмоил Аймат бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов билан учрашувида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи муҳокама этилди.**

### ИСТИҚБОЛЛИ САФАР

**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Мисрнинг Ҳелван университети таклифига биноан Қоҳирада бўлиб, илмий материаллар ва ахборот алмашиш, талаба, мутахассис-ўқитувчиларнинг малака оширишлари борасида алоқа ўрнатиш масалаларини муҳокама қилиб қайтдилар.**

### МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Олий Мажлис томонидан шу йил 27 январь кунига белгиланган референдумни ўтказиш ва Марказий сайлов комиссияси ваколатига оид бошқа масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.**

### ПОЙТАХТДА КЎРГАЗМА

**Тошкентдаги халқ амалий санъати музейида очилган "Швейцария миллий ҳунармандчилик намуналари" кўргазмасида яшил мамлакат тарихидан ҳикоя қилувчи XIX-XX асрларга доир 200 дан зиёд сара асарлар намойиш қилинмоқда.**

## МАКТАБГА КОМПЬЮТЕР МАЖМУАСИ

*Мана бир неча йилдирки, Қибрай туманидаги 39-ўрта мактаб педагогик жамоаси ўзининг изланувчанлиги, ташаббускорлиги, доимо янгиликка интилувчанлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаётир. Бу илм масканида таълим-тарбия ишларининг сермазмун ва сифатли ташкил этилганлиги қанчалик самара бераётганлигини айтинг!*

*Яқинда ушбу мактабга "O`z — Silm" ўзбек-турк маърифий уюшмаси томонидан "Pentium-3" русумли жами 12 та компьютердан иборат компьютер синфи мажмуаси топширилди. Бундан ташқари, ушбу компьютер воситаларининг ҳар бири учун махсус стол-стуллар, жиҳозлар ҳам берилди. Замонавий шаклда махсус тайёрланган оқ рангдаги синф тахтасида шуғулланиш эса ўқувчиларга олам-олам қувонч бағишламоқда.*

*Мактаб жамоасига ана шу совғанинг топширилиш тантанасида Республика Халқ таълими вазирлиги, "O`z — Silm" ўзбек-турк маърифий уюшмаси раҳбарияти туман ХТБ мутасаддилари иштирок этишди.*

**МУХБИРИМИЗ**

## *Ўқитувчи ён дафтарига*

### НОЁБ ТУР

**Мутахассисларнинг шоҳидлик беришларича, судралиб юрувчи жониворлар орасида ҳозирги кунда мавжуд бўлган энг қадимийси фақат Янги Зеландияда сақланиб қолган Гаттериядир. Калтакесакмонанд бу жонзотнинг узунлиги 76 см.ни, вазни эса, 0,5-1 кг.ни ташкил этади. Эътиборли жиҳати, Гаттерияда ўта қадимий жониворларнинг белгилари ҳам сақланиб қолган.**

### МИКРОФОН КАШФИЁТЧИСИ

**Саҳнада, тўю тантаналарда жуда зарур бўладиган, ҳаётимизга сингишиб кетган микрофоннинг илк кашфиётчиси кимлигини биласизми? Тарихий маълумотларга кўра, 1827 йилда инглиз физиги Ч.Уитсон бу аппаратнинг илк аждодини, яъни овозни кучайтирувчи механик асбоб ясаб, уни "микрофон" деб атаган.**

### МИЛЛИОН ЙИЛЛИК МУЗЛАР

**Гренландияликлар Америкага антиқа бир маҳсулот экспорт қилишади. Бу, шахталарнинг энг чуқур жойидан қазиб олинган муз бўлакларидир. Бир неча миллион йиллик соф Гренландия музларидан тайёрланган кубиклар АҚШнинг турли шаҳарларидаги қимматбаҳо ресторанларда ичимликларга қўшиб сотилади.**

### БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН КАРАМ

**Олимларнинг аниқлашларича, карам таркибида инсон учун энг зарур бўлган юз хилга яқин моддалар мавжуд. Одамлар бу шифобахш ва тўйимли сабзавотдан жуда кўпдан буён фойдаланиб келадилар. Унинг инсон саломатлигини мустаҳкамловчи муҳим омил эканлиги ҳақида қадимги Рим табиблари ҳам ёзиб қолдирганлар.**

*Бунга сабаб юқоридаги фанлардан ўқувчиларнинг билим самарадорлиги 76% дан кам эканлигидадир.*

*Алишер Навоий талқинида комил инсон қандай бўлмоғи керак? Бу саволга жавобни улуғ мутафаккирнинг хоҳ бадиий, хоҳ илмий — барча асарларидан топиш мумкин.*



# УМИДЛАР КАТТА ЭДИ, АММО...

**Olimpiada — 2002**

Ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларнинг вилоят босқичи беллашувлари Навоий шаҳридаги 11-ўрта мактаб, 4-гимназия мактаби ва НДПИ ҳузуридаги академик лицей биносида бўлиб ўтди. Олимпиадада ўрта умумтаълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирок этишди. Улардан 496 нафари эса 3-босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Ушбу босқич иштирокчиларининг билимини аниқлаш республика Таълим марказининг методик тавсиялари ва баҳолаш мезонларининг зарурий хужжатлари асосида ўтказилиб, унга кўра олимпиаданинг вилоят босқичи қуйидаги натижаларни кўрсатди. ВХТБ тасарруфидаги ўрта умутаълим мактабларнинг 9-синф ўқувчилари 18 фандан беллашувларда қатнашган. Аммо 4 фан бўйича ғолиблар чиқмади. Худди шундай 10-синф ўқувчилари ўртасидаги баҳсларда 3 фандан, 11-синф ўқувчилари ўртасида эса 5 фандан ғолиблар аниқланмади. Негаки, юқоридаги фанлардан ўқувчиларнинг билим самарадорлиги 76% дан камдир.

Бунга сабаб эса ўқувчиларнинг умумтаълим мактабларида шу фанлардан яхши ўзлаштирмаганлигида, десак хато қилмаган бўламиз. Фикримизча, бу ҳақда вилоят туман ва шаҳар халқ таълими бўлими раҳбарлари жиддий ўйлаб, дарҳол чора-тадбирлар белгилаши лозим. Ҳолбуки, бугунги кунда ўқувчиларга берилаётган билимни кучайтириш олимпиада самарадорлигини оширишда, қолаверса, ёшларнинг келажакда баркамол шахс бўлиб шаклланишидаги асосий шартлардан биридир.

Нима бўлганда ҳам юқорида қайд этганимиздек, 3-босқич беллашувлари якунланди. Иштирок этган ўқувчидан 13 нафари умумтаълим фанлари бўйича олимпиадаларнинг республика миқёсидаги 4-босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу ғолибларнинг 7 нафари НДПИ ҳузуридаги академик лицей ўқувчиларидир.

Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади. Вилоятдаги бошқа таълим муассасалари ўқувчилари қачон фан олимпиадаларида ғолиблик шохсупасига кўтариларкин? Жавоб оддий. Қачонки, ўқувчиларга замон талаблари асосида дарс берилса, қачонки, ўқитувчи ўқувчиси келажаги учун ўзи ҳам масъул эканлигини теран англаб етолса...

Биз вилоят фан олимпиадасида билимдонлиги ва маҳоратини кўрсатган 3-босқич ғолибларига республика босқичида ҳам муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Ўткир Пўлат,**
**"Маърифат"нинг махсус мухбири**

**Tadbir**

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва маркетинг хизматларини ташкил этиш юзасидан проректорлар анжумани бўлиб ўтди. Ушбу анжуманга институт олимларининг касб-ҳунар коллежлари учун ёзилган дарслик ҳамда маъруза матнларининг тақдимот маросими ҳам уланди.**

**Иштирокчилар кейинги ўн йил ичида ушбу институт томонидан ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими соҳасида амалга оширилган ишлардан хабардор бўлишди. Даргоҳ ўз академик лицейига эга. Шунга яраша таълим мазмуни ва моддий базаси ҳам яратилмоқда. Республикамиздаги 40 дан**

## ИККИ МАСАЛА — МУҲОКАМАДА

**зиёд институт таълим йўналишига мос келадиган касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчи ходимлари институт қошидаги малака ошириш факультетларида малакаларини оширмоқдалар.**

**Шунингдек, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун институт профессор-ўқитувчилари томонидан 30 дан ортиқ дарслик ва маъруза матнларининг ёзилиб, чоп этилиши ҳам алоҳида эътиборга сазовордир.**

**Анжуманда янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, ўқув дарсликларини замонавий компакт, лазер дискларига ёздириш, масофавий ўқитиш тизимини шакллантириш галдаги зарурий вазифалар сирасига киритилди.**

**Шу билан бирга анжуман иштирокчилари институт тарих музейи, маънавият ва маърифат маркази ҳамда талабалар модалар уйининг янги либослари билан танишиб чиқдилар.**

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**"Маърифат" мухбири**

# КОМИЛ ИНСОН — КОМИЛ ЖАМИЯТ: АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА

> ***Навоий ҳазратларининг... ўлмас ғоялари бугунги кунларимиз учун ҳам бағоят ҳамоҳанг ва ибратли экани айниқса аҳамиятлидир.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Уйғун ва Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" драмаси охирида Алишер Навоий Ҳусайн Бойқарога шундай дейди:

"Биз етолмаган умидларга келажак наслларнинг етмоғи мумкин... Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига чақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан лаббай, деб жавоб берурмен".

Дарҳақиқат, буюк аждодларимизнинг эзгу орзулари мустақиллигимиз туфайли амалга ошмоқда. Шундан-да, улар ўзларининг илмий, бадиий, фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий қарашлари ифода этилган мерослари билан замонамизга, замонамиз кишиларига ҳамда уларнинг янада етук-комил бўлишларига кўмаклашиш ниятида "Лаббай" деб жавоб бермоқдалар. Ана шундай буюк аждодларимиздан бири жаҳоний шуҳратга молик мутафаккир ва шоир Низомиддин Амир Алишер Навоийдир.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг бой илмий ва адабий мероси, жумладан "комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари ... миллий ғоя ва истиқлол мафкурасининг теран томирларидир" (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, "Ўзбекистон", 2000, 48-бет). Бу гап бежиз айтилмаган. Чунки Алишер Навоийнинг шеърияти, достон ва "Хамса"си ҳамда насрий асарларида комил инсон муаммоси бош йўналишни ташкил этади.

Маълумки, комил инсон масаласи қадимий ёдгорлик бўлган "Авесто"да ҳам, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда ҳам, Низомий Ганжавий, Шайх Саъдий, Абдураҳмон Жомий меросларида ҳам етакчи масала сифатида талқин қилинади. Алишер Навоий буларнинг кўпидан хабардоргина эмас, балки бу умуммаконий ва умумзамоний масалани ўзи яшаётган даврнинг адабий-эстетик ва фалсафий қарашлари асосида янада ривожлантирди, уни юқори поғоналарга кўтарди.

Комил инсон Алишер Навоий ижодиётида таянч нуқта бўлиб, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётига оид барча муаммоларни ҳал қилиш унинг воситасида амалга ошади. Бунинг сабабини эса Алишер Навоий шундай тушунтиради:

**Офаринишдин эрур инсон ғараз,**
**Они айлаб халқ ичинда беаваз.**

Демак, Аллоҳ таоло яратган барча мавжудот орасида энг етуги ва мўъжизаси бу — Инсондир. Уни халқ қилинган — яратилган ҳеч бир мавжудот билан алмаштириб бўлмайди. Бас шундай экан, Инсон ўзига юклатилган вазифа — Ер юзини обод қилиш, уни мукаммал ҳолатга келтириш учун доимо комилликка интилмоғи даркор. Шунинг учун Алишер Навоий ҳазрати Инсонга "Камол эт касбким, олам уйидин, Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ", деб мурожаат қилади.

**Milliy istiqlol g'oyasi**

Алишер Навоий талқинида комил инсон жамиятнинг бир тоифасига мансуб бўлиб қолмай, балки ижтимоий ҳаётдаги турли тоифаларнинг вакилларига, яъни бошқарув (подшоҳ, вазир, амалдор), маънавият ва маърифат (қози, мударрис, шайх, воиз...) илм ва ҳунармандлик (олим, талаба, тижорат ва турли ҳунармандлар), қишлоқ хўжалиги (деҳқон), меҳнат аҳли (тикончи чол) ва бошқаларга ҳам дахлдордир. Шуни ҳам қайд қилиш керакки, ҳозирги кунда комил инсон муаммосини маърифий (тасаввуфий: пай-ғамбарлар, авлиёлар, сўфийлар...) йўналишида талқин қилишга урғу бериш ҳам кузатилади. Бизнингча, комил инсонни маърифий йўналишда талқин қилишни кенг қамровли, яъни ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, маънавий яхлит муаммонинг бир қирраси сифатида қараш масалани навоийёна кенг ва ҳар томонлама тушуниш ва талқин қилишга яқинлаштиради.

Алишер Навоий комил инсонни комил жамиятнинг, яъни аждодлар томонидан исталган обод, озод макон, фаровон, тинч-осуда турмуш, ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрлик, адолат, бахт-саодат, қонунчилик ҳоким бўлган ижтимоий тузумнинг негизини ташкил этувчи асосий омил деб билади.

Шуни ҳам эслатиш жоизки, бундай қараш Алишер Навоий томонидан алоҳида-махсус бир рисолада эмас, балки ҳамма асарларида баъзан бадиий тасвир (шеърият, "Лисон ут-тайр", "Хамса"), баъзан илмий тафаккур ("Маҳбуб ул-қулуб") воситасида баён этилган бўлиб, уларнинг барчасини умумлаштириш яхлит қараш мажмуасини майдонга келтиради.

Алишер Навоий талқинида комил инсон қандай бўлмоғи керак? Бу саволга жавобни улуғ мутафаккирнинг хоҳ бадиий, хоҳ илмий — барча асарларидан топиш мумкин.

Алишер Навоий талқинида комил инсон подшоҳми, амалдорми, ҳунармандми, деҳқонми, ким бўлишидан қатъий назар, ўзлигини, инсонлигини таниган ва шу орқали Аллоҳ таолонинг зотий сифатларига эришишга интилган кишидир.

Маълумки, Аллоҳ таолонинг зотий сифатлари энг эзгу ва энг гўзал фазилатларга эга. Бас шундай экан, инсондаги комиллик унинг ахлоқий ва маънавий жиҳатдан намуна ва ибрат бўлишидадир. Шу нуқтаи назардан агар инсон шоҳ бўлса, адолатли; амалдор бўлса, мурувватли ва шафқатли; маънавият ва маърифат аҳли бўлса, бошқаларга ибрат бўла оладиган; ва одамларни тўғри йўлга ҳидоят қила оладиган, ҳунар аҳли, деҳқон бўлса, ҳалол меҳнати билан жамият учун хизмат қиладиган бўлиши керак. Бу сифатлар бир тоифага мансуб бўлиб қолаётгандек туюлиши мумкин. Аммо юқоридаги сифатлар — адолатли, мурувватли, раҳм-шафқатли, ҳалол меҳнат, камтарлик, яъни ўзлигини танишлик Алишер Навоий талқинида ҳар бир киши — Инсон фаолиятининг негизини ташкил этмоғи даркор. Шундан-да, Алишер Навоий ахлоқий-маънавий фазилатлар ҳамда жамиятдаги қонунчиликка риоя қилиш, яъни қонунчиликни устувор деб билиш ҳамма учун фарз ва зарур деб ҳисоблайди. Бу эса ўз навбатида, комил инсон — комил жамият муаммосини ҳам назарда тутади. Бундай ақидалар "Ҳайрат ул-аброр"даги Шоҳ Ғозий, Ҳотами Тойи ва тикончи чол ҳақидаги ҳикояларда, "Сабъаи сайёр"да биринчи мусофир томонидан Фаррух ва Ахий ҳақида айтилган ҳикояда, "Маҳбуб ул-қулуб", "Лисон ут-тайр" ва бошқа асарларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу ўринда Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар каби бадиий тимсоллар ҳақида кенг тўхталишнинг имкони йўқ. Шунинг учун улар фақат эслатилди, холос. Фақат шуни қайд қилиш жоиз ва зарурки, Алишер Навоийнинг юқорида тилга олинган тимсолларининг ҳаммаси ёшлардир. Демак, Алишер Навоий ёш авлоднинг комил инсон бўлишига катта умид боғлаб, ўзи тасвирлаган тимсоллардан ўрнак олиш зарурлигини ҳам назарда тутган. Бас шундай экан, бугунги ёшларимиз ҳазрат Алишер Навоий ишончларини оқлашга интилиш билан, бир томондан, улуғ мутафаккирнинг руҳини шод қилсалар, иккинчи томондан эса мустақил диёримизнинг буюк келажагига тамал тоши қўядилар.

Шуниси ҳам борки, Алишер Навоий комил инсонни фақат бадиий тимсолларда тасвирлаб, бу ҳақда назарий мулоҳазалар юритиш билан қаноатланиб қолмай, балки уни — комил инсонни замондошлари орасида ҳам кўради ва мамнуният билан тасвирлайди. Бу жиҳатдан Алишер Навоий тасвирида шоҳ Ғозий — Султон Ҳусайн Бойқаро, устози Абдураҳмон Жомий, отахони Саййид Ҳасан Ардашер, дўсти Паҳлавон Муҳаммадлар ана шундай комил инсон намуналаридир. Бугунги кунда биз ҳазрат Алишер Навоий замондошлари ақидаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўзларини, яъни Алишер Навоийни ҳам ана шу гуруҳга киритамиз. Чунки Алишер Навоий шахсияти ва фаолиятларида ўзлари тасвирлаган ҳамда тарғиб этган комил инсоннинг барча хусусиятлари мужассамдир. Шунинг учун навоийсифат бўлишга интилиш бу — комил инсон бўлишга интилишдир.

Шундай қилиб, Алишер Навоий комил инсонни ниҳоят кенг қамровда тушунади ва тушунтиради ҳамда комил инсонлар комил жамиятни ташкил этишларини ёки комил жамият комил инсонлар томонидан бунёд этилишини назарда тутади. Шунинг учун Алишер Навоийнинг бу масалага доир мулоҳаза ва қарашларини чуқур ўрганиш, уларга амал қилиш муқаддас диёримизнинг барча аҳолиси, хусусан, баркамолликка интилаётган ёшларимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолади. Чунки:

**Билмак Навоийни бу — зўр маърифат нишони,**
**Билмак Навоийни бу — ўз нафъи йўқ зиёни,**
**Билмак Навоийни бу — юксакка элтар они,**
**Билмак Навоийни бу — ойинаи жаҳоний.**

**Ботурхон ВАЛИХЎЖАЕВ**

# КУН ТАРТИБИДА: ТЕХНИК ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИ

*Республика ўқувчилар техник ижодиёт Марказида Халқ таълими Вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" Маркази, А.Авлоний номли халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институти билан ҳамкорликда ўтказилаётган "Техник ижодиёт Марказлари ходимлари учун илмий-амалий семинар" кеча ўз ниҳоясига етди. Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти туманларидаги техник ижодиёт Марказлари вакиллари иштирок этдилар.*

*Семинар давомида ҳозирги пайтда долзарб масалалардан бўлган ўқувчи-ёшларнинг ғоявий тарбиясини тўғри ташкил этиш, улар онгига миллий истиқлол ғояси тушунчаларини сингдириш, зарарли ва ёт ғоялар таъсиридан асраш масалалари ўртага ташланди. Бу борада мактабдан ташқари муассасаларда маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари кўриб чиқилди.*

*Иқтидорли ўқувчиларга кашфиётлар яратиш устида иш олиб бориш, ихтироларни ҳужжатлаштириш бўйича йўлланмалар бериш ҳақидаги Давлат Патент идораси вакили томонидан қилинган маъруза, айниқса, қизғин баҳсларга сабаб бўлди.*

*Шунингдек, Республикадаги техник ижодиёт Марказларининг бугунги кундаги стратегик ҳолатлари, ўқувчи-ёшларга билим бериш ва касб-ҳунар ўргатиш билан бир қаторда уларнинг тарбиясига қандай эътибор берилмоқда, болаларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш учун тўгарак машғулотларида қандай ноанъанавий усулларни қўллаш мумкинлиги ҳақида Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази директори Т.Қорабоев ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.*

*Ўқувчи-ёшларга ҳозир замон талаблари даражасида билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш учун мукаммал дастур ва услубий қўлланмалар зарур. Анжуман давомида тўгаракларни ана шундай дастур ва услубий қўлланмалар билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маърузалар тингланди. Шунингдек, мактабдан ташқари таълим муассасаларида "Мониторинг" бўлимларининг хизмати, яъни таҳлил, кузатув ва натижа ушбу муассасаларда норматив ҳужжатларнинг юритилиши ва уларни сақлаш тартиби бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.*

**А.ҚУДРАТОВА,**
**Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази услубий-ахборот бўлими бошлиғи**

**Ta'lim fidoiylari**

## МАНФААТДОРЛИК

## битирувчиси олий ўқув юртларига кўп кирган мактаб ютади

Ҳукуматимиз томонидан барча соҳалар қатори таълимни ислоҳ қилиш, уни ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш ва жамият манфаатлари йўлида астойдил хизмат қиладиган меҳнатсевар, билимдон кишилар қилиб етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Наманган вилоятидаги Чортоқ туман халқ таълими бўлимига қарашли илм масканларида, болалар муассасаларида ибратли ишлар амалга оширилаяпти.

Ҳозирги кунда тумандаги 55 та мактабда 24 минг 700 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Шунингдек, 25 та мактаб, 2 та мактабгача таълим муассасаси компьютер билан тўлиқ таъминланган.

Кейинги йилларда янги типдаги таълим муассасалари — иқтидорли ўқувчилар лицей-интернати, ижтимоий ва аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб, боғча "Соғлом авлод" маркази ташкил этилган. 33-мактаб эса БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилотига аъзо бўлган. Ҳозир туман мактабида 2300 нафар педагог фаолият кўрсатмоқда.

Мавжуд мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлашда ҳамда уларни сифатли таъмирдан чиқаришда оталиқ ташкилотлари, ҳомийлар фаоллик кўрсатмоқдалар. Бу борада "Мустақилликнинг 5 йиллиги", "Чортоқ", Алишер Навоий номидаги, Ҳамид Олимжон номидаги ширкат хўжаликлари, туман дон маҳсулотлари тайёрлаш, чакана ва улгуржи савдо ҳиссадорлик бирлашмалари бириктирилган илм масканларига сидқидилдан ёрдам беришда бошқаларга намуна бўлишаяпти.

Чортоқлик деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳам кам таъминланган оилаларнинг фарзандаларини дарсликлар билан таъминлашдек хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ана шундай саховатпешалардан Абдулло Нишонов бошчилигидаги "Ихлос" фермер хўжалиги китоб сотиб олиш учун 46-мактабга 24 минг 153 сўм, 9-мактабга 54 минг сўм, 38-мактабга 18 минг сўм маблағ ажратган. "Наврўз" номли 10-болалар боғчасига 35 минг сўмга еттита палос олиб берган.

Умаржон Собиров етакчилик қилаётган "Чорвадор" фермер хўжалиги Кўшан қишлоғидаги 3та мактабнинг қайси бирида олий ўқув юртига кирганлар сони кўп бўлса, шу билим масканига 25 минг сўм мукофот пули бераётир. Ойқирон қишлоғидаги "Нодирбек" фермер хўжалиги етакчиси фахрий журналист Одилжон Мўминов эса 2-болалар боғчасини оталиққа олиб, ҳар йили таъмирлаб беради.

— Ҳозирги ёшларимиз илмли, маърифатли, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун ҳар бир ўқитувчи ва мураббий бор куч ва имкониятини сафарбар этишни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билишса керак, - деди туман халқ таълими бўлими мудираси Кароматхон Исматуллаева. — Буни тўғри англаган жамоалар доимо изланувчан, ҳаракатда бўлишса, илғорлар тажрибасини ўрганишга уни алмаштиришга алоҳида эътибор берилса, таълим жараёнида сезиларли ўзгаришларга эришилади.

**Эркин ТЎЛАГАНОВ,**
**журналист**

***Ватан келажаги бўлмиш ёшлар тарбияси бугун давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, зеро, ҳар бир киши бу борада ўзига юклатилган вазифани юксак даражада адо этиши лозим. Аксинча, масъулиятсизлик эртага ўзининг салбий натижаларини бериши, шубҳасиз.***



***Шу сабабдан, ҳозирда 130 нафар болажон тарбияланаётган Юнусобод туманидаги 43-"Ғунча" болалар боғчасида барча ишлар Давлат дастури асосида олиб борилаяпти. Жумладан, илк ёшдагилар гуруҳида Шоира Азимова "Сенсор" усули асосида кичкинтойларга тарбия бермоқда. Катта гуруҳларда эса 32 йилдан буён шу соҳада фаолият юритаётган Мавжуда Эгамбердиева каби тарбиячилар болажонларни мактабга тайёрлаш мақсадида уларга ўқиш ва ёзиш сирларини ўргатмоқда.***

***— Масканимизда фарзандларимизни маънавий ва ақлан ривожлантириш, уларнинг она-Ватанга бўлган муҳаббатларини ошириш учун тез-тез гуруҳлар ўртасида "Билимдонлар — зукколар" танлови ўтказилиб турилибди. Шунингдек, ҳар бир гуруҳ хонасида халқимиз турмуш тарзидан сўзловчи миллий бурчак ҳамда йўл ҳаракати қоидалари белгилари ташкил этилган, — дейди биз билан суҳбатда боғча мудираси Шоҳиста Исахўжаева.***



***Дарҳақиқат, ота-боболаримиз урф-одатлари, миллий анъаналаримизни ёш авлод онгига сингдириб бориш, уларнинг улғайганда мустақил юртимиз равнақига ҳисса қўшишлари учун замин яратади.***

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**
**Муаллиф олган суратлар.**

# ЭКОЛОГИЯ ҲАММАНИНГ ЭЪТИБОРИДА

Яқинда "БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуасида "Экология йўналишидаги тўгарак машғулотларини самарали ўтказиш масалалари" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўқувчиларда экологик тушунча ва маданиятни шакллантириш, уларни она табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, тўгарак раҳбарларининг мутахассислар билан ўзаро мунозара ва баҳсларини ҳамда тажриба алмашишларини уюштириш анжуманнинг асосий мақсади эди.

Инсоният табиатдан фойдаланиб қолмасдан, балки уни ҳимоя қилиш зарурриятини англаб етди. Инсон ўзи билан табиат ўртасидаги мувозанатни меъёрда сақлаш учун табиат сирларини яхши билиши керак. Экологик таълим-тарбия миллати, ирқи, ёши, жинсидан қатъий назар барча инсонлар учун зарур.

Экологик таълим-тарбия бериш асосан боғчадан бошланиб, узлуксиз таълим тизимида бошланғич синфларда давом этади. Бўлиб ўтган анжуманда ўқувчиларга табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш каби фикрлар берилиши кераклиги айтилди. Шу мақсадда "БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида экология йўналишида 70 та тўгарак клублар ташкил этган. Анжуманда ўқувчиларга экологик таълим-тарбия беришнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш ҳақида ҳам сўз борди.

**Ҳасан ЖАЛОЛОВ**
**"БИОЭКОСАН" ўқув-услубий мажмуаси бўлим бошлиғи**

*Оилада осойишталик, тотувлик, тинчлик, бирдамликнинг мавжудлиги бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.*

*Геометрия фанининг стереометрия бўлими масалалари алоҳида гўзалликка эга. Геометрияни севган, гўзаллигини ҳис қила олган ва шу кайфият, шу руҳни ўқувчиларга ҳам сингдира билган ўқитувчигина яхши ўқитувчи бўлади.*

**O'qituvchiga yordam**

# ОИЛА — ЖАМИЯТНИНГ ДУРУ ГАВҲАРИ

Соғлом ва баркамол авлод келажагимиз гаровидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз бугунги кунда ана шу келажагимиз таянчлари тарбия топадиган оилага алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Оила инсонларнинг қалб меҳри ва муҳаббат ришталари билан боғланган жамиятимизнинг асосий бўғинидир. Ҳар томонлама ҳимояланган оила эса давлатга, халқига ҳамда унинг манфаатлари йўлида хизмат қилади. Оилада осойишталик, тотувлик, тинчлик, бирдамликнинг мавжудлиги бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Балки шу сабабдан жаҳон миқёсида жуда кўп қонунлар оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиликларини таъминлашга қаратилгандир.

Истиқлол шарофати туфайли халқимизнинг миллий қадриятлари аста-секин тикланмоқда. Бугунги кунда ёш авлод онгига миллий истиқлол ғояларини, юксак инсоний фазилатларини, эътиқод дунёқараш ва мафкурани шакллантириш, ғоявий бўшлиқни вужудга келишига йўл қўймаслик, комиллик билан боғлиқ тушунчалар сингдириб борилмоқда. Аввало, миллий истиқлол ғояси ва мафкурасини ёшлар онгига аждодлар ўгити, она сути ва ота намунаси билан сингишини ва инсоннинг фазилатлари унинг маънавий негизлари айнан оилада шаклланишини яхши биламиз. Шу сабаб бўлса керак, ўзбек халқининг ижтимоий онгида оила — давлат тимсоли деб қаралади.

"Оила — жамият дуру гавҳари" деб таъкидлаган эди Виктор Гюго. Келажакда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда оила асосий ўринни эгаллайди. Республикамизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Соғлом авлод" дастури, "Оналар ва болалар" дастури амалга оширилаётган жараёнда, энди ҳаёт остонасига қадам қўяётган 9-синф ўқувчиларига «Миллий истиқлол ғояси» ва маънавият асослари фани орқали оила муқаддас даргоҳ эканлиги ҳақида чуқур билим беришга, уларнинг кўникма ва малакаларини шакллантириш орқали амалга оширилади. Ўқитувчининг энг асосий вазифаси таълим-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор педагогик тажрибаларидан фойдаланиб, янги педагогик технологияни ўқитишнинг усулларини қўллаб, ўқувчилар онгига оила, никоҳ, оила қуриш, эр-хотин, ота-оналар ва болаларнинг ўзаро муносабатлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада маънавий ва жисмоний соғлом авлодни вояга етказиш, ҳар бир оила аъзосининг ўрни ва вазифалари тўғрисида батафсил гапириш керак. Ҳозирда оилани ҳимоя қилишнинг Конституциявий тамойиллари, жамият ва жамиятнинг оила олдидаги мажбуриятлари катта аҳамиятга эга. Оила дунё юзини кўрган болани шахс сифатида шаклланишида маънавий тарбиянинг пойдевори ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бошқа меъёрий-ҳуқуқни ҳужжатларда оналарни, болаларни, қолаверса, болаликдан ногирон бўлган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни ҳимоя қилиниши борасида ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асоси" деган фикрини бунга далил сифатида келтириш мумкин. Зотан, оила мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларидан бири бўлиб, у кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкурамизга хос илк тушунчалар, аввало, оилада сингади. Шунинг учун оилада доимо соғлом муҳит ҳар бир оила аъзосининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллигига бориб тақалади. Оилада бир-бирига ҳурмат-эътибор, ишонч, меҳр-муҳаббат ҳисси шаклланганлиги, ўзаро аҳиллик унинг фаровонлигига олиб келади.

Дарҳақиқат, оила мустаҳкамлигини сақлаш ва фаровонлигини ошириш, унинг аъзоларини тинч-тотувлиги, давлат ва жамиятга узвий боғланган. Мамлакатимиз тарихида илк бор халқнинг азалий болажонлигини ўзида мужассам этган ёш авлод саломатлиги, оилага давлат ғамхўрлигини кафолатловчи ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Оила кодекси" (1998 йил, 30 апрель)нинг қабул қилиниши ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар мисолида, миллий истиқлолнинг асосий ғояларига асосланишини ўқувчиларга сингдириш лозим. Илгари ўқитувчи бераётган билим ва олиб бораётган таълим-тарбия ишлари энг асосий вазифа, деб қаралар эди. Бугунги кунда эса жамият ва Ватаннинг муносиб фарзандларини оилада тарбиялаб, мактабда эса онгли, етук инсон сифатида вояга етказиш зарур. Шундай экан, барча ўқитувчилар ўқувчиларга оиланинг муқаддаслигини ва давлат пайдо бўлиши, шаклланишининг асоси эканлигини қатор йўналишларда очиб беришлари муҳимдир. Жумладан, оилада соғлом муҳит, соғлом мафкурани шакллантириш, ёшларнинг турли ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги, вояга етмаганларнинг турли оқимлар, гуруҳларга қўшилиб, жиноят кўчасига кириб кетмаслиги учун мактаб, оила, маҳалла, яъни жамоатчилик билан ўзаро алоқани ўрнатиш, маҳаллада улуғ кишилар панд-насиҳати, ибратли оилаларнинг ҳамжиҳатлигини сингдириш каби жиҳатлар шулар сирасига киради. 9-синф ўқувчиларига "Оила — муқаддас даргоҳ" мавзусини ўтиш давомида улар онгига ғоя ва мафкура сингдирилади. Оила — тарбия ўчоғи, жамият тараққиётини белгиловчи асос бўлиб хизмат қилишини ўқитувчи мисоллар ёрдамида асослаб бериши лозим. Қолаверса, келажак бунёдкори бўлган ёш авлод оилада улғаяди. Оиласи мукаммал бўлган юртнинг, давлатнинг истиқболи порлоқ бўлади. Мамлакатимизда оилани ҳар томонлама таъминлаш, етарли муносиб турмуш шароитини яратиш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Халқлар ва миллатлар ичида тинч-тотувлик, ҳалоллик, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш оиладаги муносабатларга ҳам узвий боғлиқдир. Юқорида таъкидланганидек, оила ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялашда энг олий даргоҳ бўлиб, уни асраш, авайлаш ва мустаҳкамлаш эса ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

**Саодат ДАВЛАТОВА,**
**Қашқадарё вилоят педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ижтимоий билим кафедраси катта ўқитувчиси**

# ТАКЛИФЛАР МАЪҚУЛЛАНДИ

**Aks-sado**

**Яқинда Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан шаҳардаги умумий таълим мактаблари физика фани ўқитувчиларининг семинари бўлиб ўтди.**

**Унда «Маърифат» газетасида (27 октябрь 2001 й) босилиб чиққан «XXI асрда физик таълим қандай бўлиши керак» мақола атрофлича муҳокама қилинди. Мақола муаллифи Самарқанд Давлат Университети кафедра мудири, Педагогика фанлари халқаро академиясининг мухбир-аъзоси, профессор Облоқул Қувондиқов мақоланинг ёзилишига сабаб бўлган омиллар ва ундан кутилган мақсадлар ҳақида батафсил гапириб, хусусан, шундай дейди: Мамлакатимиз физиклари салоҳият жиҳатидан, олиб бораётган илмий изланишлари бўйича ҳамдўстлик мамлакатлари ичида бешинчи ўринни эгалласада, (Россия, Украина, Белоруссия ва Эстония), бугунги кун ўқувчиларимизнинг бу фанни ўрганишга қизиқишининг сусайиб кетиши ачинарли ҳол.**

**Профессор О.Қувондиқов шунингдек, ўз маърузасида физика фанининг ҳозирги муаммолари ва XXI асрда унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида батафсил сўзларкан, АҚШ сафари таассуротлари, у ерда таълим тизимининг ташкил қилиниши ҳақида, умумтаълим мактабларида физика предметига берилаётган эътиборга алоҳида тўхталиб ўтди.**

**Семинар қатнашчилари муаллиф томонидан мақолада билдирилган фикр ва мулоҳазаларини тўла қўллаб-қувватладилар ва уни амалга ошириш бўйича амалий фикр-мулоҳазалар билдирдилар.**

**Семинар қатнашчилари умутаълим мактаблари учун физикадан замон талаблари даражасидаги дарсликнинг йўқлиги, мактаб физика лабараториялари моддий-техник жиҳатидан кам таъминланаётгани, ҳар бир синфда 40-45 та ўқувчи бўлганлиги боис лабаратория машғулотларини ўтишда баъзи қийинчиликлар юзага келаётганлигини айтиб ўтди. Шунингдек, физика предмети бўйича кириш имтиҳонларига қўйилаётган саволларнинг мураккаблигини, мантиқий характердаги саволларнинг камлиги ҳақида ҳам гапириб ўтдилар.**

**У.УСМОНОВА,**
**Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлимининг физика фани услубиётчиси.**

# Сиз Конституцияни биласизми?

**81. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги қандай эълон қилинган?**
A) республика Конституцияси билан
B) Олий Кенгашининг махсус баёноти билан
C) Давлат мустақиллик декларацияси билан
D) "Давлат тили тўғрисида"ги қонун билан
E) C,D.

**82. Ўзбекистонда вилоят прокурори ким томонидан тайинланади?**
A) Президент
B) Бош прокурор
C) Бош вазир
D) Вазирлар Маҳкамаси Кенгаши
E) тегишли вилоят ҳокимиятининг вакиллик органи

**83. Қуйида келтирилганлардан қайси бирида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари мавжуд?**
A) шаҳарчаларда
B) овулларда
C) шаҳарларда
D) A,B
E) A,B,C

**84. Қорақалпоғистон қандай республика?**
A) автоном
B) суверен
C) конфедератив
D) демократик
E) федератив

**85. "Президент" сўзининг луғавий маъноси нима?**
A) сўз бошловчи
B) халқ вакили
C) халқ бошлиғи
D) давлат бошлиғи
E) олдинда ўтирувчи

**86. Қуйидагилардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари жумласига қайси бири киради?**
A) Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва ваколатларини белгилаш
B) Сиёсий партиялари рўйхатдан ўтказиш, халқ ҳаракати уюшмаларини тузиш
C) Сиёсий партияларнинг фаолиятини тугатиш, Олий судни сайлаш
D) Хорижий давлатлар билан музокаралар олиб бориш, элчиларни тайинлаш, ижро этувчи ҳокимиятини тузиш
E) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш

**87. Қуйида берилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайсиларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатига кирмайди?**
A) шаҳар суди қарори
B) Вазирлар Маҳкамаси фармойиши
C) Президент фармонлари
D) Олий Мажлис қарори
E) Вазирлар Маҳкамаси қарори

**88. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрь Конституцияси лойиҳаси биринчи марта умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда қачон эълон қилинган?**
A) 1991 й. 26 сентябрь
B) 1992 й. 31 август
C) 1990 й. 20 июнь
D) 1992 й. 26 сентябрь
E) 1990 й. 26 сентябрь

**89. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳасини тайёрлашга қачон конституциявий комиссия тузилди?**
A) 1990 йил, июнь
B) 1990 йил, март
C) 1990 йил, январь
D) 1991 йил, июнь
E) 1991 йил, август

**90. Қуйидагилардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қабул қилмайдиган ҳуқуқий ҳужжатларини аниқланг.**
A) қонун
B) Конституция
C) қарор
D) баёнот
E) фармон

**Sinab ko'ring**




Ўрта умумтаълим мактабларида математика фанини ўқитиш ўқувчиларнинг дунёқарашини ўстиришда, уларнинг фикрлаш доирасини кенгайтиришда, қолаверса, ўқувчиларнинг хотирасини мустаҳкамлашда, тасаввурини ривожлантиришда, фараз қила олишга ўргатишда, хаёлот дунёсини кенгайтиришда, диққатини маълум объектга йўналтира олишга ўргатишда муҳим роль ўйнайди.

Математика фанининг геометрия бўлими ҳам бу вазифаларни ҳал этишда катта қўлланма бўлади. Геометрия фани мавзуларини ҳаётга, амалиётга боғлаб ўтиш, айниқса яхши, самара беради. Геометрия фанидаги ҳар бир мавзудан кейин шу мавзуни мустаҳкамлаш учун кўпроқ масалалар ечиш мақсадга мувофиқдир. Масала ечиш жараёнида ўқувчи ўтилганларни такрорлайди, уни мустаҳкамлайди, чизмасини чизади, ўйлайди, фикрлайди ва хулосага келади. Бу изланиш эса, албатта, ўқувчининг ҳам, ўқитувчининг ҳам ютуғидир.

Хўш, масала ечиш жараёни қандай амалга оширилиши керак? Масалалар ечишнинг маълум бир усули, схемаси борми?

Қуйида ушбу саволларга жавоб беришга уриниб кўрамиз.

Масалалар ечиш жараёнини 4 босқичга бўлиш мумкин.

*1-босқич:* Масала шартида берилаётган қийматлар ва топилиши талаб этилаётган объект аниқлаб олинади.

*2-босқич:* Бу босқичда масаланинг ечимини топишда қандай қўшимча маълумотлар зарурлиги аниқланади, қўшимча саволларга жавоблар топилади.

*3-босқич:* Шакл ясаш босқичи бўлиб, масала шартида баён этилаётган ҳолат, тасвир, қўшимча маълумотлар асосида аниқ ва тўғри ясалади.

*4-босқич:* Шакл асосидаги қўшимча маълумотлар ёрдамида арифметик ёки алгебрик ҳисоблашлар билан масала ечиш якунланади. Шу босқичларга асосланиб масала ечиш амаога оширилади.

Шу ўринда 3-босқич ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Шакл ясаш босқичи масаланинг тўғри ҳал этилиши, кўп жиҳатдан чизмани тўғри чизишга боғлиқ.

Чизма, геометрия фанининг асосчиси француз олими ва инженери Госпар Монж (1746-1818)нинг таъбири билан айтганда «Чизма дунёдаги барча миллатлар учун тушунарли тил» яъни «техника тилидир». Чизманинг тўғри чизилиши масаланинг ярми тўғри ҳал этилганлигининг ифодасидир.

Ундан ташқари ҳар бир ўқувчига ясалган чизмаларни ўқий олиш кўникмасини ҳам бериш керак. Чизма шакл бўлсаю, ўқувчи уни ўқий олмаса, демакки ўқувчининг ўзлаштириш даражаси сустдир.

Қуйидаги масаланинг шаклини кўриб чиқайлик.

1-масала. Фабриканинг 2 та биносига материалларни узатиш учун нишаб тарнов ўрнатилган. Бинолар орасидаги масофа 10 м. Тарновнинг учлари эса ердан 8 м ва 4 м баландликда жойлашган. Тарновнинг узунлигини топинг.

Масаланинг шакли қуйидагича бўлади (чизма).




AB = BM, CD = 4 м, AD = 10 м.

Масалани ҳал этиш учун бу шаклнинг ўзи етарли эмас. Бу ерда шакл ичида шакл ясалади, яъни C нуқтадан AB тўғри чизиққа CN перпендикуляр ўтказилади.




Натижада 2 та шакл ҳосил бўлади. Ўқувчиларда эса шакл ичидаги шаклни кўра олиш кўникмасини ҳосил қилишимиз керак. Бу катта ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизни узоқни кўра оладиган, мушкул вазиятларда ҳам ўз йўлини адашмай танлай оладиган қилиб тарбиялайди. Мазкур шаклда 2 та фигура ANCD тўғри тўртбурчак ва NBC тўғри бурчакли учбурчак ҳосил бўлади.

Масалани ечишда, асосан, NBC тўғри бурчакли учбурчакдан фойдаланилади. Бу ерда BC = x тарновнинг узунлиги BN = 4 м, NC = 10 м.

Пифагор теоремасидан фойдаланиб

$$BC = \sqrt{(4\ м)^2 + (10\ м)^2} = \sqrt{116}\ м \approx 10{,}8\ м$$

Тарновнинг узунлиги топилади.

Геометрия фанининг стереометрия бўлими масалалари алоҳида гўзалликка эга. Геометрияни севган, гўзаллигини ҳис қила олган ва шу кайфият, шу руҳни ўқувчиларга ҳам сингдира билган ўқитувчигина яхши ўқитувчи бўлади. Стереометрияда предметнинг қоғоздаги ҳар қандай тасвири шу фигуранинг асли ҳақида аниқ тасаввур беравермайди. Фигуранинг геометрик шакли тўғрисида аниқ тасаввур олиш учун унинг тасвири (чизмаси) текисликдаги (ўзгарган) шаклидан фазодаги ҳақиқий шаклига ўтиш имконини берувчи маълум геометрик қоидалар асосида ясалган бўлиши лозим. Фазовий фигуранинг текисликдаги ана шундай геометрик тасвири проекциялар методи ёрдамида чизилади. Масаланинг чизмасини чизишда доим қуйидаги мақсадлар кўзда тутилиши керак.

1. Фазовий шаклларни текисликда проекциялаш методи билан тасвирлаш назариясини ва тасвирлар ясашни ўргатиш.

2. Бу тасвирларни ўқишни ўргатиш.

3. Ўқувчининг фазовий тасаввурини ўстириш.

Стереометрия масалаларининг шакллари бир оз сирли, пардали ва жуда ҳам жозибалидир. Шу парда ўқувчиларни "чўчитмаслиги", аксинча, уларни ўзига оҳанрабодек тортиши керак.

Ўқувчиларни парда ортида яширинган шаклни кўра олишга ўргатиш зарур. Фикр-лар исботи учун қуйидаги масалани келтирамиз:

2-масала. Тўртбурчакли мунтазам призманинг диоганали 3,5 см га тенг, ён томонининг диоганали 2,5 см. Унинг ҳажмини топинг.

Масалани ечишдан олдин қуйидаги саволларга жавоб топиш даркор. Призма нима? Унинг ҳажми нимага тенг, унинг диоганали деб нимага айтилади? Асоси қандай шакл, асосининг юзи, баландлиги қанча? каби саволларга жавоб топиш керак. Албатта, бу маълумотлар ўқувчига олдинги дарсларда ўтилган, лекин улар яна такрорланса, билим мустаҳкам бўлади. Такрорлаш бу билимнинг онасидир.

Стереометрия масалаларининг шакллари иккига ажратилади.

Асосий шакл ва қўшимча шакллар. Асосий шакл асосида шакл ичидаги қўшимча шаклларни кўра олиш керак (чизма).




Бу ерда $A_1C = 3{,}5$ см. $D_1C = 2{,}5$ см.лар берилган. Қўшича шакл $A_1CD$ ва $D_1CC_1$ учбурчаклар (чизма).

Призма мунтазам бўлгани учун $AB = BC = CD = DA = A_1B_1 = B_1C_1 = C_1D_1 = D_1A_1$




Призманинг ҳажми $V = S_{ac} \cdot H$ $A_1CD_1$ учбурчакдан $A_1D_1 = \sqrt{6}$ см эканлиги топилади. Бунда $S_{асос} = A_1D_1^2 = 6$ см² –

H баландлик $D_1CC_1$ даги $CC_1$ томоннинг узунглигига тенг, $D_1CC_1$ учбурчак тўғри бурчакли бўлгани учун Пифагор теоремасини қўллаб, $CC_1$ катет топилади.

$H = CC_1 = \sqrt{(2{,}5)^2 - \sqrt{6}} = 0{,}5$ см

$V = S \cdot H = 6\ см^2 \cdot 0{,}5\ см = 3\ см^2$

Бу каби масалаларнинг ечимини топишда ўқувчи пухта билимга эга бўлиши, айтилаётган объектларни тасаввур қила олиши, хаёлот дунёси кенг бўлиши, шаклларни кўра олиши зарур.

Дарсларимизда 5-6 та масала ечилмасин, майли 1-2 та масала ечилсин, аммо, шу масалалар ўқувчиларни ўйлашга, фикрлашга ўргатсин. Уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга, муаммоларини ҳал қила олишга, зарур вақтларда зарур қарорларни чиқара олишга кўникма яратсин.

Ана шундагина ҳар бир ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига эришади.

Шу ўринда масала ечиш дарслари ҳақида ўз фикрларимни баён этмоқчиман. Ҳар бир соат дарсни бадиий асар, санъат даражасига кўтариш мумкин. Бу эса ўқитувчининг ижодкорлигига, маҳоратига боғлиқ. Дарсларимизни янги педагогик технология асосида, ноанъанавий усулларда ташкил этайлик. Ҳар бир дарс олдингисига ўхшамасин. Ана шунда ўқувчилар бизни, дарсимизни бугун қандай усулда дарс ўтарканмиз, деб кутадилар.

Масала ечиш дарсларини мусобақа шаклида ташкил этиш мумкин. Бундай дарсларда ўқувчилар гуруҳларга бўлинади. Масалан, масалани ҳал этувчилар ва танқидчилар гуруҳи. Олдин ҳамма ўтирган жойида масалани ҳал этади, кейин баҳслашув тортишувлар бошланади.

Масалани ҳал этувчилар масалани доскада ечадилар. Танқидчилар илмини фикрларга асосланган ҳолда уларнинг ишларини муҳокама қиладилар. Дарсда тортишувлар, баҳслар бўлади. Томонлар ўзларининг ҳақликларини исботлашга уринадилар. Охир-оқибат ҳақиқат қарор топади. Бундай дарслар ўқувчиларни курашувчан ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган, ўз фикри ва ўз овозига эга бўлган шахслар бўлиб етишишларида ёрдам беради.

**Мавжуда ЁРБОЕВА,**
**Қамаши туманидаги 4-ўрта мактаб математика фани ўқитувчиси**

*Бу ўқув йилида инс-титутимизда уч томонлама шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар 2000 нафардан зиёд бўлиб, тўловда уларнинг аксарияти учун муаммо йўқ.*

*"Эҳтиёжингиздан ортиқча сувни (ўтлоқларга) манъ қилмангиз, акс ҳолда ўт-ўланларнинг мўл-кўл бўлмоғига монеълик қилурсиз!"*



Oliy ta'lim + ishlab chiqarish

# ЭРТА УЧУН БУГУНДАН ҲАРАКАТ

***Ҳар бир олий ўқув юрти ўзи тайёрлаётган кадрларига эҳтиёжманд мижозларига эга. Шу боис, улар университетлар, институтлар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришади. Бундан кўзланган мақсад етук кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларга ечим излаш бўлса, иккинчидан уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишдир.***

***Тошкент электротехника алоқа институтида бўлажак кадрлар истиқболи ҳақида қайғуриш бошқа олий ўқув юртларига нисбатан бирмунча намунали ташкил этилмоқда. Ўқув-услубий ишлар бўйича ректор муовини, техника фанлари номзоди, доцент Омонбой Абду-азизовнинг сўзларидан ҳам ана шу жиҳатни уқиб олиш қийин эмас.***

### Бепул тушлик

— Алоқа тармоқларида тез ва аниқ маром билан ишлайдиган кадрларга эҳтиёж каттадир. Бугунги кунда Ўзбе-кистонда ҳам бу соҳа ривожини белгиловчи коммутация тизимлари ўрнатилмоқда.

Институтнинг биринчи курсига қабул қилинган талаба ҳали бу соҳадан хабардор эмас. Фақат маълум муддат ўтгандан сўнггина, унинг алоқа тармоқлари ишини ўрганиш жараёни бошланади.

Талабанинг билим олиши, яшаш шароитини яхшилаш, енгиллаштириш мақсадида институтимиз билан ҳамкорлик қилаётган тармоқ корхона ва муассасалари ҳомийлигидан миннатдормиз.

2000-2001 ўқув йилида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентилиги раҳбариятининг бевосита ташаббуси билан турли олис вилоятлардан келган талабалар учун беш кунлик тушлик овқат учун маблағ ажратилди. Бу ўқув йилида эса бепул тушлик уюштириш режалаштирилган.

### Тўловда муаммо йўқ

Ҳозир таълимнинг тўлов-контракт шаклига ўтилганлиги ёшларнинг илм олиш имкониятларини кенгайтириш баробарида айрим қийинчиликларни ҳам келтириб чиқараётир. Бу ўқув йилида институтимизда уч томонлама шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар 2000 нафардан зиёд бўлиб, тўловда уларнинг аксарияти учун муаммо йўқ. Яъни, таълим кредити олишга қурби етмайдиган, ҳомийлар топа олмаётган оилаларнинг фарзандларига почта ва телекоммуникация корхоналари ёрдам қўлларини чўзишяпти. Улар сирасига "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти, "Ўзбектелекоминтернешнл" қўшма корхонаси, "Тошкенттелеком" Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги қошидаги илмий тад-қиқот ва маркетинг хизмати маркази, "Радиоалоқа ва телевидение" ишлаб чиқариш корхонасини киритишимиз мумкин. Улар ўзларига бориб ишлайдиган бўлажак кадрларнинг тўлов пуллари ҳақидагина ғамхўрлик қилиб қолмасдан, уларнинг ўқув фанлари ва курсларини ўзлаштиришлари ҳамда яшаш шароитлари билан ҳам доимий равишда қизиқиб, моддий ёрдам кўрсатиб келаяптилар.

### Махсус стипендиялар

Стипендия — талабанинг ойлик маоши. Уни у ўз эҳтиёжларига, яъни зарурий ўқув қуроллари, адабиётлар харид қилишга, ейиш-ичиш, кийиниш, соғлигини тиклашга ишлатади.

Табиийки, талаба халқи ҳам бир хил эмас. Улар орасида илм олишга ўта масъулият билан қараб, ўз истеъдодини турлича кўринишларда намоён қиладигани бор ёки аксинча. Қобилиятли, фаол, фақат бир нафарига махсус стипендия тайинланган эди. Ана шу нуфузли стипендия бу ўқув йилида "Тезкор алоқа тизимлари" мутахасссислиги 1-курс магистранти О.Бегалиевга насиб қилди.

Бундан ташқари, иқтидорли ёшлардан бир гуруҳи ҳам бошқа махсус стипендияларга сазовор бўлганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Тармоқ тасарруфидаги корхона ва компаниялардан бир қанчаси таклиф ва таъсис этган стипендиялар ўз эгалари— Д.Расулов, У.Расулов, Б.Бекмуродов, Х.Эгамбердиева, Б.Саидниёзов, Г.Самидова, Қ.Икромов, Г.Амироваларга бериб борилмоқда.

Махсус стипендияларни олаётган талабаларга ўз тенгкурларининг ҳавас билан қараши,ўйлайманки, яхши маънодаги рақобат муҳитини вужудга келтиради.

### Талаба амалиёт ўтайди

Агар олий таълим муассасасида ўқиётган ёшлар ўз назарий билимларини амалиёт билан боғламас эканлар, улар келажакда қийналиб қилишади. Шу ўринда талабаларимизнинг корхона ва ташкилотларда олиб бораётган амалиётлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни лозим деб биламан.

Телекоммуникация узатиш тизимлари кафедраси ўтган ўқув йилидан бошлаб, Тошкент телеком - телеграф станциясида магистратуранинг 1 — 2-курс талабаларидан икки гуруҳи бошчилигида корхона иш фаолияти билан боғлиқ бўлган алоқа каналлари сифатини, хизмат турларини ва барқарор алоқа билан таъминлаш жараёнини кўздан кечирадилар.

Почта хизмати ва менежмент йўналиши бўйича билим олувчи бакалавр ва магис-трантлар ЎзП ва ТА қошидаги таҳлил маркази, "Ўзбектелеком", "Ўзбекистон почтаси", "Халқаро почтамт", "Тошкент почтамти" каби компания ва корхоналарда ўз назарий билимларини мустаҳкамлашмоқда.

"Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари" кафедраси филиали Тошкент шаҳар телефон тармоқлари очиқ акциядорлик жамиятига тегишли 33 - АТС биносида жойлашган. Бу ерда замонавий рақамли "SIEMENS" русумли автоматик телефон станциясини ўрганиш бўйича магистрантлар умумий амалиётдан ташқари шахсий амалиётдан ҳам ўтишади.

Бўлғуси кадр ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, унга эътибор бериш, қўллаб-қувватлаш, йўл-йўриқ кўрсатиш бобида биз билан ҳамкорлик қилмайдиган алоқа корхонасининг ўзи йўқ. Ҳаттоки, олис вилоятлардан келиб институтимизда таҳсил олаётган талабалар ҳам ўзлари туғилиб ўсган жойдаги алоқа корхоналари назоратида бўлиб, улар келажаги, тақдири ҳақида қайғурилади. Демак, бўлажак мутахассисга бугун биз қанчалик эътиборли бўлсак, уларнинг эртасига ҳам шунчалик умид билан қараш мумкин.

ўқитувчиларга фақат аъло хислатлари билан кўринган талабаларга ҳар бир олий ўқув юртида махсус стипендиялар жорий қилинган.

"Коском" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси уяли алоқа хизмат кўрсатишда алоҳида нуфузга эга. Корхона томонидан ўтган ўқув йилида институтимизнинг яқин ҳамкори сифатида аълочи талабалардан нанинг етук, тажрибали мутахассислари А.Войцеховский, М.Зоҳидов, Н. Бережнойлар назарий ва амалий машғулотлар ўтказмоқда. Маълумотларни бошчилигида. Магистрантлар корхонада Германиянинг "SIEMENS" фирмасидан келтирилган шаҳарлараро замонавий алоқа техникаси, рақамли коммутация, узатиш ва бошқарув қурилмаларини чуқур ўрганадилар. Амалиётни ўташ даврида талабалар кор-

**Ҳулкар ТЎЙМАНОВА**
**суҳбатлашди.**

# ТАЪЛИМ БОЗОРИ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНАЯПТИ?

Ta'limda tadbirkorlik

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат қарори билан Юнусобод тумани таълим бозорини ривожлантириш бўйича таянч туман этиб белгиланган эди. Мазкур туманда 72 та мактабгача таълим, 43 та мактаб ва 7 та мактабдан ташқари муассасалар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпларида бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, пуллик хизматнинг бир қатор турлари йўлга қўйилган. Жумладан, 304- болалар боғчасида пуллик хизмат доирасида кислород кўпиги, шифобахш ўсимликлар дамламаси, уқалаш, электр даволаш, рақс ва фольклор, инглиз тили, компьютер саводхонлиги, каратэ, кулолчилик, рассомчилик каби турли тўгараклар жорий этилган. «Соғломлаштириш маркази» гуруҳига жалб қилинган болаларнинг ота-оналаридан тушган маблағ тарбиячи ва педагогларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва боғчани таъмирлашга сарфланмоқда. 2002 йилдан эса болалар боғчасида болаларни мактабга тайёрлаш, рус ва ўзбек тилини ўқитиш курслари, миллий чолғу асбоблари тўгараги ва логопед гуруҳларини ташкил этиш режалаштирилган.

51-мактаб қошида эса тил ўқитиш маркази ташкил этилган. Марказда француз, немис, инглиз, испан тиллари чуқур ўргатилади. Ўқитишда энг янги усуллар, Франциянинг Руана шаҳридаги аудио методи билан ўқитиш Халқаро Марказнинг тавсиялари қўлланади. 63-мактабда компьютер синфи, 253-мактабда рақс, театр тўгараги, стол тенниси, 17-мактабда қўғирчоқ театри, тикиш-бичиш, рассомлик, 96-,98-мактабларда физика, химия, математика, фанлардан чуқурлаштирилган курслар, акробатика, таэквандо каби спорт тўгараклари ташкил этилган. Бу хизматлар ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда тил ўргатиш, соғломлаштириш, олий ўқув юртларига киришга тайёрлаш, меҳнат, касбга ўргатиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган.

Шу ўринда савол туғилади: Мазкур эзгу ишларни шаҳар шароитида амалга ошириш имкони бор, аммо қишлоқда-чи? Излаган имконият топади деганларидек, ер майдонларига эга бўлган мактабларда мева, сабзовот, донли экинлар экиш, балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш, металл парчалари, қоғоз чиқиндилари йиғиш, репетиторликни йўлга қўйиш кутилган натижани бермоқда. Жумладан, Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 11-мактабда ғалла ва пахта етиштириш учун хокимият ер майдони ажратиб берган, мактабнинг йиллик даромади 2-3 миллион сўмни ташкил этган бўлиб, жорий даромаддан мактаб 7 та компьютер, 2 та принтер, 6 та видео-иккилик харид қилган.

Ҳозирги кун талаби — шароитга қараб ҳар бир муассасада пуллик хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш ва ундан тушадиган маблағни жойига қўйиб ишлатишдир. Шундай экан, замон билан ҳамнафас мактабларимизнинг сони тобора кўпайишига умидвормиз. Зеро, ёшларимизни баркамол шахс қилиб вояга етказишда мактабларда ташкил этилган тўгараклар муҳим аҳамият касб этади.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА,**
**«Маърифат» мухбири**

Bolangiz maktabga tayyormi?

# ТАРБИЯДА DИDАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талабларининг асосий мақсади келажак авлодни жисмонан ва руҳан соғлом тар-биялаб, мактаб таълимига тайёрлашдан иборатдир. «Мактабгача тайёргарлик» тушунчаси боланинг жисмоний, руҳий, ақлий ва махсус тайёргарлик йўналишларини ўз ичига олади. Аввало жисмоний тайёргарлик деганда кичкинтой ўзига мос миллий ўйинларнинг қоидаларини, унда фаол иштирок эта олишни, белгиланган нормативларни бажара олиши керак. Руҳий жиҳатдан эса унинг атроф-муҳитга, катталарга, тенгдошларига, ўсимликларга, жониворлар дунёсига бўлган муносабатини шакллантириш, «Ни-ма яхши-ю, нима ёмон»лигини ўргатиш керак. Ақлий тайёргарлик эса болага образли ва мантиқий фикрлашни, билимга қизиқишни, ўз-ўзини назорат қилишни ва бошқаришни, хотирасини яхшилаш учун машқлар қилишни ўргатади. Махсус тайёргарлик уни саводхонликка, луғат бойлигини ошириш ва сўзлардан фаол фойдалана олиш, товушни тиниқ эшитиб, аниқ талаффуз қилишга ўргатади. Мазкур Давлат талабларининг амалиётга жорий қилинишини ўрганиш мақсадида Юнусобод туманидаги 307 - мактабгача таълим муассасасида бўлдик. Муассаса услубчиси ва психологи Дилфуза Аҳмедова ҳозирда амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Боғчада 246 нафар болалар тарбияланади. Тарбиячилар Маҳфуза Саидвалиева, Хуршида Иноятовалар 62 нафар кичкинтойларга мактабгача тайёрлов гуруҳларида машғулотлар олиб борадилар.**

**Аввало, уларнинг тиришқоқлиги, қизиқувчанлиги, сўнгра тарбиячиларнинг ўзлари ясаган ўйинчоқлар ҳам кичкинтойларни фикрлашга ундамоқда. Масалан, хона ўртасидаги катта тошбақани ўйнаш орқали бола бир қанча нарсаларни ўрганиб олади. Тошбақа косаси ҳар хил ранглар билан бўялган ва унинг ҳар бир бўлакларига рақамлар, соат, фасллар, шакллар ёпиштирилган. Бола бу ўйинчоқни ўйнашга киришаётиб рангларни ажратади, рақамларни қўшиб айиради, вақтни, йил фаслларини ўрганади. Эътиборлиси шундаки, бу ерда берилаётган таълим-тарбия ишларининг барчаси тарбияланувчиларга ўйинлар орқали сингдирилмоқда. Шунингдек, боғча ҳовлисида «Соғлом авлод боғи» ҳам ташкил қилинган бўлиб, бу ерда кичкинтойлар спорт билан шуғулланишади ва ўзларини чиниқтирадилар. Ҳудуддаги мактабгача таълим муассасасига қатнамайдиган болалар учун эса «Болалар тафаккурини ривожлантириш мактаби»нинг якшанбалик гуруҳлари ташкил қилинган бўлиб, бу гуруҳ фаолиятидан ҳам кўпчилик ота-оналар мамнун бўлмоқдалар. Хулоса қилиб айтганда, 307- «Ҳилола» номли мактабгача таълим муассасасида «Учинчи минг йилликнинг боласи» таянч дастури асосида самарали ишлар амалга оширилмоқда.**

**Назокат ХОЛМЕТОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

# СУВ ҲАҚИДА ҲАДИСДА НИМА ДЕЙИЛГАН?

*Ҳурматли "Ma'rifat" газетаси таҳририяти!*

*Сув ҳақида кўп ёзяпсизлар, жумладан, "Авесто" китобида сув ҳақида ёзилганлигини газетада ўқиб, боболарнинг сувга эътиборини билиб олдик. Сув ҳақида ҳадисларда ҳам бирор фикр айтилганми?*

**М.Раҳимова,**
**ўқитувчи**

**1-боб. Сув ҳақида**

Оллоҳ таолонинг қавли: "(Кофир бўлган кимсалар)... барча жонли мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмадиларми?! Энди ҳам иймон келтирмайдиларми?!" ("Анбиё" сураси, 30-оят).

Оллоҳ таолонинг қавли: "Сизлар ўзларингиз ичадирган сув ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизларми? Уни булутлардан сизлар ёғдирдингизларми ёки Биз ёғдиргувчимизми?! Агар Биз истасак, уни шўр қилиб қўйган бўлур эрдик. Бас, шукр қилмайсизларми?!" ("Воқиъа" сураси, 68-70-оятлар).

**2-боб. (Яна) сув ҳақида. Ким сувни, у хоҳ (кўпчиликка) тақсимлаб бўладирган ва хоҳ тақсимлаб бўлмайдирган бўлсин, вақф, ҳадя ва мерос қилиш жоиз, деб ҳисоблади?**

(Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида ул ерда Рума номли қудуқдан бўлак чучук сув манбаи йўқ эрди. Шул боис) ул зот: "Кимки Рума қудуғини сотиб олиб, унинг сувини мусулмонлар бирлан баҳам кўрса, бунинг учун унга жаннатдан яхши жой ато этилур" — деб марҳамат қилдилар. Шунда уни Усмон разияллоҳу анҳу сотиб олдилар.

*Саҳл ибн Саъд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* "Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир қадаҳда сув келтиришди. Ул зот ундан (бир оз) ичдилар. Шунда ўнг ёнларида бир йигит ва чап ёнларида кексалар туришган бўлиб, ул зот йигитга: "Эй йигит, қадаҳда қолган сувни аввал кексаларга узатсам, майлими?" — дедилар. Йигит: "Сиздан тегадиган насибамдан воз кечмагайман" — деди. Сўнг, Жаноб Расулуллоҳ уни йигитга узатдилар".

*Зуҳрий разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар:* "Анас ибн Моликнинг ҳовлиларида бир совлиқ қўй соғилиб, сутга ҳовлидаги қудуқ сувидан қўшилди-да, Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга узатилди. Шунда Жаноб Расулуллоҳнинг ўнг томонларида бир бадавий, чап томонларида эрса, Ҳазрат Абу Бакр турган эрдилар. Жаноб Расулуллоҳ сутдан бир оз ичгач, қадаҳни энди оғизларидан олмоқчи бўлиб эрдилар, Ҳазрат Умар "Қадаҳни бадавийга узатмасалар эрди" деган хавотирликда: "Абу Бакр Сиддиққа узатинг, ё Расулуллоҳ!" — дедилар. Лекин, Жаноб Расулуллоҳ барибир идишни бадавийга бериб: "Аввал ўнг томондагига, сўнг яна ўнг томондагига узатилади", — дедилар".

**3-боб. Эҳтиёжидан ортиқ суви бўлмаган одамнинг (ўз экин ва молларини) суғоришга энг ҳақлиғ эканлиги хусусида**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Эҳтиёжингиздан ортиқча сувни (ўтлоқларга) манъ қилмангиз, акс ҳолда ўт-ўланларнинг мўл-кўл бўлмоғига монеълик қилурсиз!" — деб марҳамат қилдилар".

**"Ал-жомиъ ас-саҳиҳ"нинг "Сув хусусидаги китоби"дан**

# ОВҚАТЛАНИШ ОДОБИ

Bir soatlik dars

*Ўқитувчи эндиликда бор истеъдодини, қобилиятини, касбга бўлган меҳрини қўшиб дарс ўтиши зарур. Шу билан бирга ўқитувчи дарсларда ўқувчиларнинг эркин фикрлашларига етарлича эътибор бериши лозим. Зеро, эркин мушоҳада юритиш ўқувчида ишончни ва мустақилликни шакллантиради.*

*Башарти, муаллим дарс давомида мақсадга эришиши учун, яъни ўқувчиларга бериладиган билимни мукаммал сингдириши учун, аввало, машғулотни қай тарзда олиб бориши даркор? У дарс жараёнида бошқарувчи бўлиши керакми, ё ўқувчиларини баҳс-мунозарага чорлаб фаоллаштириши лозимми? Дарс ўтиш усулларининг қай бири қўлланилганда ўғил-қизлар завқландилар ва тушунчаларни тез ўзлаштириб оладилар? Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 208-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Эльвира Исмоилованинг табиатшунослик фанидан "Овқатланиш органлари. Овқатланиш одоби" мавзуси бўйича бир соатлик дарсини кузатганимизда ана шу каби жиҳатларга эътиборни қаратдик:*

*1. Таълимий мақсад: ўқувчиларга янги мавзу бўйича янгилик ва билимларни бериш.*

*2. Тарбиявий мақсад: озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри тамадди қилиш, гигиенага риоя қилиш, ўз соғлиғи ҳақида қайғуришга ўргатиш.*

*3. Ривожлантирувчи мақсад: ўқувчиларнинг тест саволларига жавоб беришларини ривожлантириш...*

*Ўғил-қизлар билан саломлашилгандан сўнг дарс бошланди. Йўқлама қилингач, синф навбатчиси об-ҳаво ҳақида маълумот берди, ўқувчилар эса ўз кузатишлари асосида навбатчининг сўзларини тўлдиришди.*

*Муаллима биз ўтган дарсда инсон организмининг энг муҳим органларидан бири ўпка ҳақида гаплашган эдик, дея шу мавзуга оид "Ўпка нима?", "Ўпка пуфакчалари нима?", "Ўпка инсон организмининг қаерида жойлашган?", "Нафас олиш ва нафас чиқариш қандай рўй беради", "Юрак ва қон томирлари гигиенасини қандай тушунасиз?" каби саволларга жавоб олишдан бошлади. Сўнгра янги мавзу бўйича тушунчалар берилди. Чунончи, кўп овқат ейиш зарарлилиги, уни ошқозон ва ичаклар ҳазм қила олмаслиги ҳар хил фойдали моддаларга бой овқатларни ейиш кераклиги, овқатланиш гигиенаси ҳамда қоидасига амал қилиш зарурлиги мисоллар ёрдамида тушунтирилди. Амалий машғулотлар жараёнида мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида яна саволларга мурожаат қилинди: "Ошқозон ва ичаклар танангизнинг қайси қисмида жойлашганини кўрсата оласизми?", "Ҳар бир тишнинг бажарадиган вазифаларини биласизми?", "Меъёрида овқатланиш деганда нимани тушунасиз?" Савол-жавоблардан сўнг ҳўл мева ва сабзавотлардан кўпроқ истеъмол қилиш, аччиқ ва нордон нарсалардан тийилиш, вақтида овқатланишга доир маслаҳатлар ҳам берилди.*

*Энг муҳими, дарсда ўғил-қизлар толиқиб қолмасликлари учун дам олиш бекати жорий қилинди. Унда "Қўлларингизни пастга туширган ҳолда гавдангизни тўғри тутинг! Тинчланган ҳолда нафас чиқариб, нафас олинг! Қўлларингизни секин-аста юқорига кўтаринг! Бармоқларингизни бирлаштиринг! Бутун гавдангиз билан кўтаринг! Тепангизда гўё дарахт, сиз ўзингизни дарахтга тортинаётгандек ҳис этинг! Қўлларингизни туширинг, бўшашинг" ва ҳоказо сўзлар айтилиб, жараённи ўқитувчи бошқариб турди.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муаллима дарснинг навбатдаги қисмларида шеърий дақиқа, ўйин, мулоқот усулларини қўллаб, ўқувчиларни янада фаоллаштира олди. Мавзуни нечоғли ўзлаштирганликларини ўғил-қизларнинг юз-кўзидан билиб олса бўларди. Уйга вазифа қилиб эса организм учун фойдали ва фойдасиз маҳсулотлар расмини чизиб келиш топширилди.*

*Биз дарс якунида устозни суҳбатга чорладик.*

*— Бошланғич синфларга анча йиллардан буён дарс бериб келаман, — деди Эльвира Исмоилова. — Ўқувчиларим 3-синф ёки 4-синфга ўтганларида асосий фанлардан янги мавзуларни ўқувчилар орқали синфдошларига тушунтираман. Камчиликларини тўлдираман. Ишни аввало намунали ўқувчилардан бошлайман. Кейин эса навбати билан синфдаги барча ўқувчилар дарс ўта бошлайдилар. Улар дарс ўтишга тайёргарлик даврида изланадилар, ДТСда талаб этилганидек, билимга, малакага эга бўладилар.*

*Дарҳақиқат, илғор муаллима Э.Исмоилованинг ноанъанавий дарс усули ўз самарасини бераётир. Зеро, изланувчанлик ҳар бир ишга ижодкорона ёндошиш ҳеч қачон бесамара кетмайди.*

**Ҳ.ИБРАИМОВА,**
**РТМ бошланғич таълим шўъбаси бош методисти**

# ЗИЁ СОЧИБ ОҚАЁТГАН УМР

Oramizdagi odamlar



Умрнинг дарёга менгзалиши бежиз эмас. Чунки дарёдан сув ичган ниҳол ўсиб етилгач, мева беради. Ва бу мевадан кишилар баҳраманд бўладилар. Инсон умри ҳам оқаверар экан, ёши улғайгани сари ўтган кунига — ортига нигоҳ ташлайди: "Нималар қилишга улгурдиму яна нималар қилишга қурбим етади?"

Шу маънода бугун етмиш ёшли олим, ёзувчи ва таржимон Мажид Ҳасанийнинг умри шунчаки оқмаётганининг гувоҳи бўламиз. Олимнинг, айниқса, истиқлол йилларида чоп этилган "Ватан юрагидаги сувайдо", "Туркистон босқини", "Юрт бўйнидаги қилич ёки истило", "Ойдин кунлар армони" ва "Икки ўт орасида" каби китоблари юртимиз тарихи ҳамда ватан фидойилари ҳақида ёзилганлиги туфайли аллақачон ўз ўқувчисини топган. Хусусан, атоқли адиб Садриддин Айнийнинг "Судхўрнинг ўлими" қиссалар тўпламининг мазмундор сўз боши ва изоҳлар билан нашр этилишида Мажид Ҳасанийнинг хизмати каттадир. 1962-68 йилларда С.Айнийнинг 8 томлик танланган асарларини чоп этишда ҳам олим бош-қош бўлди.

М.Ҳасанийнинг 1967 йилда ёзилган "Садриддин Айний ва Файзулла Хўжаев" номли тарихий рисоласи ўша даврда адиб ва давлат арбоби ҳақида янги маълумот бера олганлиги билан тилга тушганди.

Кекса авлод зиёлилари Мажид Ҳасанийни "жасоратли олим" деб атайдилар. Бунинг сабаби бор. У ўтган асрнинг 80-йиллари сўнггида "Ўрта Осиё босиб олинганми?" "Тонг юлдузи" газетаси, 1989 йил, 5 сентябрь сони) номли мақола чоп эттиради. Ўша даврда собиқ КПСС органи бўлган "Правда" газетаси эса муаллифни қаттиқ танқид остига олган мақола эълон қилади. Шундан сўнг мамлакатимизнинг бир гуруҳ зиёлилари олимнинг тарихий ҳақиқатни архив ҳужжатлари асосида тўғри ёритганлигини ҳимоя қилиб, матбуотда чиқиш қиладилар. Бугун уларнинг барчаси тарихда қолди. Олим эса ҳамон изланишда. Унинг кўплаб илмий, бадиий, публицистик мақолаларию, тарихий монография ва рисолалари тарихни тўғри талқин қилганлиги боис муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Адиб 2001 йили Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган "Истиқлол тонги" танлови ғолибларидан бири бўлди.

Бугун олим, ёзувчи ва таржимон Мажид Ҳасаний ортига мамнун ҳолда қарашга ҳақли. Негаки, умри шунчаки оқаётгани йўқ. Инсон учун муҳими ҳам шу.

**Ш.НИШОНОВ**

*Бундан ташқари, Шарқ ренессанси (тасвирий санъат академияси) асосчиси Камолиддин Беҳзод туғилиб ўсган муқаддас жой, яъни "Ҳирот Жомеъ масжиди" бутун дунёни лол қолдирган.*

*Бунинг учун вужудни бегона билмоқ, яъни киши ўз танаси талаб қиладиган ортиқча нарсалардан воз кечмоғи даркор.*

# ЯХШИЛИК КУЧЛАРИ ТУШАДИГАН ДИЁР

**Азалдан кишилар ўз саломатликларига табиатда бўладиган турли хил омилларнинг ўзгариши, атроф-муҳит, яъни ер, сув ва ҳавонинг бузилиши жуда катта таъсир кўрсатишини яхши англаб етганлар. Шу боис улар яшаш ва ишлаш жойларини танлашда табиатда бўладиган турли хил омилларнинг кишилар вужудига таъсирини инобатга олганлар. Кишилар ҳаётининг манбаи бўлган ер, сув ва ҳавонинг бузилишига ва ифлосланишига қарши курашганлар. "Авесто"да кишилар саломатлигига табиатда бўладиган турли ҳодисаларнинг таъсири, айниқса, атроф-муҳит, ер, сув ва ҳавонинг бузилиши жуда катта таъсир кўрсатиши мумкинлиги тўғрисида ёзилган. Унда ёзилишича, олам икки ибтидо, яъни ёруғлик билан зулмат, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш асосига қурилган. Яхшиликни ифодаловчи кучларни осмонда, ёмонликни ифодаловчи кучлар ер остида деб таърифлаганлар. Ер сатҳи — юзи эса кураш майдонидир. Олам ва одам ҳаёти ана шу қарама-қарши кучлар таъсири остида ўзгаради.**

**Кишилар ўз саломатликлари ҳам ана шу қарама-қарши кучлардан қайси бирининг таъсири кўпроқлигига боғлиқ эканлигини жуда яхши англаб етганлар. Шу боис улар ўзлари яшайдиган жойларни танлашда, яшаш ва ишлаш иншоотларини қуришда бу кучларнинг кишилар саломатликларига таъсирини инобатга олишган. Улар ўзлари яшайдиган ва ишлайдиган жойларни қуришда осмондан келадиган яхшилик кучлари, яъни ҳозирги кунда фан тилида "космик қувват" (ахборот) деб аталувчи кишиларнинг саломатликлари ва фаолиятларига мусбат таъсир кўрсатувчи қувват майдони кўп ва кучли бўлган жойларни танлаганлар. Аждодларимиз иморатларни қуришда жой танлашдан ташқари уларнинг шаклларига ҳам алоҳида аҳамият берганлар. Иншоотларнинг шакли шундай қилинганки, бу шакл биноларга осмондан келадиган "яхшилик кучлари"нинг, яъни космик қувватнинг кўпроқ тушишига имкон яратиб берган. Улар айниқса мачит, ибодатхона ва азиз-авлиёларнинг қабрларини қуришда табиатда мавжуд бўлган ана шу қарама-қарши кучларнинг кишилар вужудига таъсирини аниқ ҳисобга олганлар. Бундай иншоотларни улар ер остидан чиқадиган "ёмонлик кучлари" йўқ бўлган, осмондан келадиган яхшилик кучлари эса кўп бўлган жойларга қурганлар.**



**Аждодларимиз бундан қарийб 3 минг йил аввал башорат қилган осмондан келадиган яхшилик кучлари борлигини бугунги кунга келиб россиялик олимларнинг Новосибирск шаҳри яқинида жойлашган ғорларни илмий текшириш натижалари тасдиқлади. Уларнинг аниқлашларича, ғорларнинг ичида ташқаридагидек турли хил электромагнит тўлқинларининг бўлмаслиги у ерга космосдан келадиган "космик қувват"нинг кўп тушишини таъминлар экан. Ғорларда яшаб кўрган кишиларда (ҳаттоки қарияларда ҳам) мавжуд бўлган турли хил сурункали касалликлар ўз-ўзидан тузалиб, уларда сезги аъзоларининг фаолияти жуда кучайиб кетар экан.**

**Энди аждодларимиз башорат қилган ер остидан чиқадиган "ёмонлик кучлари" тўғрисида тўхталиб ўтсак. Вильнюслик олим Ф.Живирблис олиб борган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, аждодларимиз башорат қилишган ер остидан чиқадиган "ёмонлик кучлари" бу ер қаъридан чиқадиган инфра ва ультра товуш тўлқинлари оқими дастасидан иборат. Бу тўлқинларни кишилар эшитишмайди, лекин уларнинг вужудлари ўзлари билмаган ҳолда сезар экан. Бу товуш тўлқинларининг кишилар вужудига узоқ вақт таъсир қилиши натижасида янгилари қўшилиб, ўтказилаётган даво муолажалари фойда бермай, ёмон натижаларга олиб бориши мумкин экан. Инфра ва ультра товуш оқими дастаси мавжуд жойлар хосиятсиз ҳисобланиб, у ерларда яшаш ва ишлаш учун иншоотлар қурилмаган.**

**Ватанимиз Ўзбекистон ҳудуди осмондан келадиган яхшилик кучлари, яъни космик қувватга бойлиги боис, жаҳон цивилизациясига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни етказиб берган.**

**Раҳматилло БЕКТОШЕВ**

# АФҒОН ТУПРОҒИ

Сарлавҳани ўқиб, балки "яна йигирма йил давом этган уруш тўғрисида ёзилгандир-да" деган гап кўнглингиздан кечгандир. Аммо афғон тупроғи дунёда ўзининг бошқа хислатлари билан ҳам ном қозонган.

Афғонистоннинг бир қатор йирик шаҳарларидаги тарихий зиёратгоҳлар, мақбаралар, меъморий обидалар, масжидлар, минораларнинг довруғи бутун оламга ёйилган. Қуйида уларнинг энг кўзга кўринганлари ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

Ўрта асрларда фан ва маданият ўчоғи саналган Ҳиротда бир қанча темурий шоҳ ва шаҳзодаларнинг мақбаралари мавжуд. Айниқса, Шоҳруҳ Мирзонинг умр йўлдоши Гавҳаршодбегимнинг икки қаватли мақбараси ўзгача дид билан қурилган. Адабий тилимиз асосчиси, буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг мақбаралари ҳам Ҳиротда жойлашган. Ҳатто у кишининг ташаббуслари билан хайрия тарзида бунёд этилган масжидлар, хонақоҳлар, кўприклар ва бошқа қурилиш иншоотларидан бир қанчаси ҳали ҳам сақланиб қолган. Энг муҳими, ҳазрат Навоийнинг устозлари Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг мақбаралари ҳам Ҳиротдадир. Бундан ташқари, Шарқ ренессанси (тасвирий санъат академияси) асосчиси Камолиддин Беҳзод туғилиб ўсган муқаддас жой, яъни "Ҳирот Жомеъ масжиди" бутун дунёни лол қолдирган. Ҳайратланарлиси шундаки, бу масжидда бир вақтнинг ўзида ўн мингдан зиёд киши намоз ўқиши мумкин.

Афғонистоннинг пойтахти Кобул шаҳрида уйғониш даврининг типик ҳукмдори, шоҳ ва истеъдодли шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур буйруғи билан қурилган еттита бирбиридан гўзал боғлар чиройи ва озодалиги билан бошқа боғлар орасида ажралиб туради. Шунга қарамасдан, "Боғи Зарнигор", "Боғи Жаҳоноро", "Боғи Шаҳароро", "Боғи Боло", "Гул Боғ" ва "Боғи Пағмон"лар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Афғонистоннинг Ғўр вилояти Жом шаҳридаги яна бир тарихий обида — "Жом минораси" дунёдаги энг катта саноқли миноралар сафига киради. Бу миноранинг ҳамон қад ростлаб турганидан олимлар жуда таажжубдадирлар.

Бомён шаҳридаги Будданинг иккита улкан ҳайкали дунёдаги энг катта ҳайкаллардан саналар эди. Улар икки буюк тоғга ўйиб ишланган бўлиб, бирида эркак сурати тасвирланган ва унинг баландлиги 53 метр. Иккинчисида аёл сурати ишланган бўлиб, баландлиги 35 метрни ташкил этарди. Маълумки, улар ўтган йили толиблар томонидан бузиб ташланди.

Балх шаҳри эса бир қатор энг қадимги тарихий обидаларга бой. Оташпарастлар давридаги марказий ва кенгқамровли "Оташкадаи Навбаҳори Балх" ибодатхонаси, Хожа Парсои Вали ҳамда Шоҳ Машрабнинг мақбаралари бунга мисол бўла олади.

Балх вилоятининг маркази Мозори Шарифдаги ҳазрати Али (тўртинчи халифа)нинг зиёратгоҳлари эса дунёдаги еттита машҳур исломий зиёратгоҳлардан бири саналади. Шу зиёратгоҳни бошқача қилиб "Кабутарлар шаҳарчаси" деб ҳам атайдилар. Бу ерда миллионлаб кабутарларнинг қўним топганлиги фикримизга далил бўла олади. Аммо энг қизиғи, бу кабутарларнинг барчаси оқ рангдадир.

**Нўъмон Қардош ФАЙЗУЛЛО ўғли**

**Хоразм Маъмун академияси илмий ходими, шоир ва таржимон Матназар Аб-дулҳаким ўзининг форсийдан таржималари, буюк аждодларимиз ижодининг тадқиқига доир салмоқли мақолалари билан тил ва адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шайх Нажмиддин Кубронинг 25 рубоийсини топиб, ўзбек тилига ўгириб, "Жамолинг менга бас" сарлавҳаси остида китобхонлар эътиборига ҳавола этган эди. Олим изланишлари натижасида рубоийлардан яна иккитасини топишга муваффақ бўлибди. У киши билан гурунгимиз шулар ҳақида кечди.**

# ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ РУБОИЙ

**— Нажмиддин Кубро асарларини таржима қилишингизга нима туртки бўлган ва таржималар қай тарзда юзага келган?**

—Ҳали бола кезларимизда Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг номинигина эшитганман, отам ҳикоя қилиб берган айрим ривоятларгина қулоққа чалинган.

Кейинчалик машҳур шарқшунос Евгений Эдуардович Бертелснинг "Суфизм и суфийиская литература" китобида Шайх Нажмиддин Кубронинг рубоийларига дуч келиб қолдим, ҳамда уларни баҳоли-қудрат таржима қилдим.

**— Шундан кейинги изланишларингиз нима берди?**

— Шундан сўнг орадан бир неча йиллар кечди. Хаёлимда ҳамиша Шайх Нажмиддин Кубронинг рубоийлари бўлди. Ниҳоят омадим юришиб, туркман тадқиқотчиси Назар Ҳалимовнинг "Кўҳна Урганчга саёҳат" китобида шоирнинг форс тилида берилган тағин бир рубоийси билан дийдор кўришмак насиб этди.

***Аз суҳбати халқ жуз паришони нест,***
***Аз қола йақулу ғайри ҳайрони нест,***
***Даст аз ҳама шустан, нишастан дар кунж***
***Онаст ки ахийраш пушаймони нест.***

Бу рубоийни қуйидагича ўзбекчалаштирдим:

***Халқ суҳбати айлайди паришон фақат,***
***"Қола йақулу" қилгай ҳайрон фақат,***
***Қўл юв ҳамадан, сўнгра чекил узлатга,***
***Қилмагайсен шунда пушаймон фақат.***

**— Мазкур рубоийни қисқача шарҳлаб бера оласизми?**

— Албатта, мумтоз шеъриятимизнинг аксарияти каби мазкур рубоий ҳам бирмунча шарҳталабдир. "Халқ суҳбати айлайди паришон фақат" мисрасидаги "халқ" сўзига эътибор бермоқ керак.

"Халқ" сўзи илгариги даврда ҳозиргидан бирмунча салбийроқ қўлланилган. Мозийда боболаримиз бу сўзни умуман маънавий қиёфасиз кишилар тўдаси, оломон маъносида ишлатганларки, Кубро ҳазратларининг юқоридаги рубоийсида ҳам "халқ" калимаси юқоридаги сингари мазмунга эгадир...

**—Йигирма еттинчи рубоийнинг топилиши, қандайлиги ва мазмуни ҳақида нималар дейишингиз мумкин?**

— Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг 850 йиллигига бағишланган илмий конференция ниҳоясида атоқли олимимиз Азиз Қаюмов қўлёзмалар институтида сақланаётган, ҳали илмий жамоатчиликка номаълум бўлган рубоийни менга лутфан тақдим этдилар. Бу рубоий ушбудир:

***Андар талаби дўст мардона шудем,***
***Аввалқадам аз вужуд бегона шудем.***
***Ў илм намехарид — лаб бастем,***
***Ў ақл намехарид девона шудем.***

Яъни, "Дўст талаб этиш жараёнида мардона бўлдик, бу йўлда даставвал вужудни бегона деб билдик. У илм харид қилмас экан, оғзимизни юмдик, аниқроғи "лаб беркитдик", у ақл харид қилмас экан, биз жинни бўлдик".

**— Муштарийларга аниқроқ тушунтириб берсангиз. Бу ерда гап нима ҳақида бораётибди?**

— Бу ерда гап Ваҳдат ҳақида, Аллоҳнинг жамолига етишмак ва бу етишмак мобайнида инсон сифатида камол топмоқ тўғрисида кетаётибди. Маълумки, "Дўст" — Аллоҳни топмоқ учун одам "ўзи"ни, яъни ўзидаги барча салбий сифатларни йўқотиши лозим. Бунинг учун вужудни бегона билмоқ, яъни киши ўз танаси талаб қиладиган ортиқча нарсалардан воз кечмоғи даркор.

Охирги икки мисрада чалкашмаслик жуда муҳим. У ақл сотиб олмайди — жим бўлмоқ керак. Чунки ҳар қандай алломалик ҳам мукаммаллик олдида ҳечдир. Албатта, бу дегани илмга интилмаслик керак, дегани эмас, балки орттирилган билим билан такаббурланиб кетмаслик, ҳамиша ўзининг билимини етарли деб билмаслик лозим, деганидир, "У ақл сотиб олмайди — жинни бўлдик" дегани эса одам ақлига ақл қўшилгани сари камтарин бўла бормоғи зарур, чунки, ҳар қанча ақлли бўлганинг билан ҳам, Аллоҳнинг дийдорига етишмагунингча, яъни тасаввуфдаги Ҳақиқат мақомига эришмагунингча ақлинг нуқсонлигича қолаверади, деганидирки, бунинг билан Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари кишилар ҳамиша билимига билим, ақлига ақл қўшмоқлари ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини қудратли бир тарзда англатганлар.

**— "Янги топилма"ни ўзбек тилига ўгириб улгургандирсиз?**

— Ҳа, албатта. Бу рубоий камтарин таржимамизда қуйидагича тус олди:

***Мардона тилаб Дўстни чунон йўл босдик,***
***Бегона тутиб вужудни, умр ўтказдик,***
***Қошинда илм касод — биз лаб тишлаб,***
***Қошинда ақл касод — ақлдан оздик.***

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Бахтиёр МАҲМУДОВ**
**суҳбатлашди.**

# GO'ZAL YURTNING O'ZIGA XOS, O'ZIGA MOS QIYOFASI

**ABDULAVVAL** Nishopuriy (?, Nishopur — 15-asr, Samarqand) — tasavvuf olimi. Abdulavval «Masmuot» («Eshitilganlar») kitobi bilan mashhur. Bu asar naqshbandiylik tariqatining namoyandasi Xo'ja Ahrorning so'fiylik nuqtai nazari, falsafiy qarashlariga bag'ishlangan tarjimai holidir. Abdulavval Xo'ja Ahrorning yoshligidan boshlab 86 yoshgacha bosib o'tgan so'fiyona yo'lini o'sha davrdagi siyosiy, ijtimoiy ahvol bilan bog'lab ko'rsatgan. Kitobda Mirzo Ulug'bek davri voqealari ham o'z ifodasini topgan. Bu asarning nodir ikki nusxasi bor. Abdurahmon faqih tomonidan kitobat qilingan nusxasi juda eski; ikkinchi nusxasi 1598 yilda ko'chirilgan. Abdulavval Samarqandda Xo'ja Ahror qabristoniga dafn etilgan.

**ABDULAZIZ** ibn Sharafuddin (14-asr oxiri - 15-asr boshlari) — rixtagar. Amir Temur saroyida yashab ijod etgan. Ahmad Yassaviy maqbarasi uchun quygan «Nazir-niyoz qozoni» (suratda) o'z davri amaliy san'atining nodir namunalaridan biridir.



**ABDULAZIZXON** (1509-1550) — Shayboniylardan. Ubaydullaxonning o'g'li, Xorazm hokimi (1538-39). Otasining vafoti (1539)dan so'ng mamlakatda ikkihokimiyatchilik vujudga kelib, Abdulazizxon Buxoro xoni (1540-50), Ko'chkunchixonning o'g'li Abdullatifxon esa Samarqand xoni (1540—1551) bo'lgan. Abdulazizxon o'z hukmronligi davrida davlat va aholi manfaatlarini ko'zlab qator islohotlar o'tkazgan, ayrim soliq (tanob puli, tafovut, tavfiri va boshqa)larni bekor qilgan, Buxoro atrofini yangi mudofaa devori bilan o'rashga kirishgan (uni Abdullaxon II qurib bitkazgan bo'lib, 20-asr boshlarigacha saqlangan). Bundan tashqari u Buxoroda madrasa, ulkan kutubxona, Bahouddin Naqshband qabristonida xonaqolar qurdirgan.

Abdulazizxon ilm va she'riyat ahlining homiysi, o'ta taqvodor inson bo'lib, tasavvuf olimi — Shayx Jalol (? - 1549)ning muridi edi. U benazir husnixat sohibi bo'lgan, «Aziziy» taxallusi bilan g'azallar bitgan.

# ДУНЁ АЛЛОМАЛАРИ САФИДА

**Ehtirom**

*Илм тинмай ўрганиш ва изланиш мевасидир. Илм ва маърифатга эришиш учун ўта машаққатли ва масъулиятли жараёнда инсон ўзининг иқтидори ва имкони нималарга қодир эканлигини яна бир бор намоён этади. Шарқ алломалари бунга амал қилган ҳолда дунёвий ва диний фанлар соҳасида катта ютуқларга эришганлиги ҳаммамизга яхши маълум. Биз бугунги кунда Ал-Хоразмий, Ибн Сино , Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Беруний, Навоий, Улуғбек, Бобур, Ҳ.Абдуллаев, М.Ўрозбоев, С.Сирожиддинов, Т.Саримсоқов ва бошқа алломаларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу улуғ алломалар сафида яна бир фанимиз дарғаларидан саналмиш Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Восил Қобуловни ҳам алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз.*

*Домланинг асосий ихтисослиги математика фани бўлса-да, бу фанни кишилик жамиятининг барча жабҳаларида қўллаш мумкинлигини кўрсатиш илмий фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади. В.Қобулов ЎзФА қошидаги иншоотлар институтида аспирант ва шу институтда илмий ходим бўлиб ишлаган пайтлари замонамиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаоладиган ҳисоблаш техникаси воситалари ва математик услубларга янада кучлироқ эътибор бериш лозимлигини англаб етди. Шу сабабли домла ишлаб чиқаришнинг юксак суръатлар билан ўсиши, хўжалик ички ва ташқи алоқаларининг мураккаблигини режалаштириш зарур бўлган тиббий-иқтисодий ва техникавий ахборотларнинг янада кўпайишига тўғри келаётганлигини англади ва ЎзФАдаги математика институти қошида ҳисоблаш техникаси бўлимини очиш ташаббуси билан чиқди.*

*Шунингдек, у кишининг ташаббуси билан ЎзФА қошида ҳисоблаш маркази кибернетика институти ташкил топди.*

*Домланинг раҳбарлигида кейинчалик алгоритмлар институти, тажриба эксперимент заводи, конструкторлик бюроси ва бир қанча илмий марказлар фаолияти янада жонланди. Кибернетика тили билан айтганда, ақлий фаолиятни тартибга келтириш, яъни қоплаш мумкин бўлган қисмининг мантиқий ва математик нисбатларини яратиш, сўнгра уларни кибернетика машиналарига жойлаштиришда В.Қобуловнинг хизматлари ниҳоятда катта. Кибернетика соҳаси бўйича ўта зарур, истиқболи порлоқ алгоритм йўналиши шу асосда вужудга келди ва алгоритмлар назарияси бўйича домла дунёдаги буюк алломалар қаторидан ўрин олди.*

*Домланинг юртимиз ва фанимиз олдидаги яна бир олийжаноб хизматларидан бири, унинг шогирдлари ниҳоятда кўплигидир. Бугунги кунда ўнлаб, юзлаб шогирдлари уни устоз сифатида фахр билан ҳурмат қилишади. А.Қодирий номли Жиззах Давлат Педагогика институтида ҳам домла раҳбарлигида илмий даража олган 16 нафар шогирд меҳнат қилмоқда.*

*Мен ҳам В.Қобуловни ўзимнинг устозим деб биламан. Кибернетика фанининг асосчиси бўлган домланинг хизматлари мустақил мамлакатимизда янада муносиб тақдирланмоқда, эътироф этилмоқда. Биз олимлар, ўқитувчилар ўзимизнинг бутун кучимизни, билимимизни мамлакатимиз тараққиёти йўлида сарф этишни домладан ўргансак арзийди. Унинг ҳаёт йўли, фаолияти биз учун ибрат мактабидир.*

**Холбўта ТЎРАҚУЛОВ,**
**А.Қодирий номли ЖДПИ декани,**
**техника фанлари доктори**

*Умуман, ҳар қандай мамлакат талабаси бу ерда таълим олишдан аввал ҳеч бўлмаганда бир йил ўз юртида таҳсил олгани маъқул.*

*9-синф ўқувчилари Абдураҳмон Мажидов ва Зафарбек Тожибоевлар севимли адибимиз А.Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърини инглиз тилига таржима қилишди.*



# JUMLADA JAHON

## ГЕРМАНИЯ АСКАРЛАРИ КОБУЛГА КЕЛДИ



**Германия ҳукумати БМТнинг Афғонистондаги миссиясини бажариш учун ўзининг 292 кишилик тинчликпарвар кучларини Кобулга олиб келди. Бундесверга генерал Карл Хубертус фон Бутлер қўмондонлик қилаётган бўлиб, улар маҳаллий полициячилар билан биргаликда пойтахтда патрул хизматини ўтайдилар. Январь охири феврал бошларида эса Афғонистонга халқаро кучларнинг асосий таркиби киритилади.**

## НАВБАТДАГИ АСИРЛАР ОЛИБ КЕЛИНДИ



**Кубанинг Гуантанамо ҳудудидаги АҚШнинг ҳарбий-денгиз базасига "Ал-Қоида" ва "Толибон" аъзоларининг навбатдаги гуруҳи олиб келинди. 34 нафар асирлар қўллари кишанланган ва кўзлари боғланган ҳолда келтирилганлар. Лекин парвоз вақтида асирларнинг 2 нафари бақириб, ўз ўриндиқларини силкита бошлагач, уларга тинчлантирувчи дори берилди. Ҳозирда базадаги асирлар 144 кишига етди. Аммо, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи "Халқаро амнистия" ташкилоти бош шифокори Жим Уэст ҳибсдагиларга бўлган муносабат 1970 йил Шарқий Европада қўлланилган усулни эслатишини айтди.**

## МАХФИЙ РЕЖА ТАЙЁРЛАНМОҚДА



**"The New York Post"нинг хабар беришича, президент Жорж Буш маъмурияти Ироқ раҳбари Саддам Хусайн ҳокимиятини ағдариш учун махфий режа ишлаб чиқмоқда. Режа эса кечи билан 6 ойда рўёбга чиқади. Шунингдек, бу борада америкаликлар расмий Боғдодга қарши Ироқ мухолифатчи кучларидан фойдаланишмоқчи. Қўшма Штатларнинг бундай муносабат йўлига ўтишига, Саддам Хусайннинг ўз ватанига БМТ инспекторларини киришларига йўл қўймаётганлиги сабаб бўляпти. БМТ эса Ироқ оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарадими ёки йўқ, шуни билмоқчи.**

## АРОФАТ: ИСРОИЛ ЧЕГАРАНИ БУЗДИ



**Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ўз мухторияти ҳудудида жуда хавфли вазият юзага келганлигини маълум қилди. Унинг фикрича, Исроил Фаластин маъмуриятини йўқ қилишга тайёрланмоқда.**

**Тулкарм шаҳрида эса Исроил танклари марказни эгаллаб олишида уларни ҳаводан ҳарбий вертолётлар қўллаб турдилар. Исроилликларнинг айтишича, улар Арофат маъмуриятига эмас, балки жангари экстремистларга қарши курашмоқдалар. Шунингдек, Тулкармда комендантлик соати жорий этилиб, уйларда қидирув ишлари олиб борилаяпти.**

## БАСАЕВ ВА ХАТТОБ МОТАМ ТУТИШМОҚДА



**Чеченистондаги жангариларни йўқ қилиш вақтида Шамил Басаевнинг отаси Салмон Басаев ўлдирилди. У ўлимига қадар ўғлининг ҳаракатларига асосий ҳал қилувчи шахс сифатида таъсир қилган эди. Шунингдек, ўғлининг Хаттоб билан ака-ука тутинишига ҳам сабабчи бўлган.**

**Шамил Басаевнинг бошқа қариндошлари, масалан опаси Зинаида ва акаси урушнинг дастлабки йилларида ҳалок бўлишган эди. Куни кеча эса Басаев ва Хаттобни йўқ қилиш мақсадида Москвадан қўшимча махсус кучлар юборилди. Иорданиялик мужоҳид 1990 йиллар ўртасида Чеченистонга келгач, Салмон Басаев уйида яшаган. Салмон эса уни тутинган ўғил қилиб олгач, Шамил ва Хаттоблар ака-ука бўлганлар. Агарда Басаевлар отасининг ўлганлиги аниқ тасдиқланса, у ҳолда бу йўқотиш уларга кучли таъсир қилиши табиий.**

## ВУЛҚОН ОТИЛДИ

**"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Гома шаҳридаги автомобилларга ёғ қуйиш шахобчаси ёнида Нирагонга вулқони отилиб чиқди. Фожеани кўрганлардан бирининг айтишича, портлаш вақтида шахобчада турган 50-60 нафар кишининг деярли ҳеч қайси бири хавфдан қочишга улгура олмаганлар. Ёнғинни ўчириш ходимлари етиб келгунига қадар эса шахобчадаги бир неча резервуарлар портлаб кетди. Қурбонлар сони эса ҳозирча 50 кишига етди.**



Xorijda ta'lim

# ШВЕЦИЯ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

## ҲАР КИМ ЎЗИ ТАНЛАЙДИ

Яқин вақтларга қадар Скандинавия университетлари унчалик оммавийлашмаган эди. Мамлакат тили ҳам жаҳон миқёсида у қадар катта мавқега эга эмас. Аммо кейинги 10 йил мобайнида Шимолий Европа, хусусан, Швеция олий ўқув юртларида бошқа мамлакатлардан талабаларни кўпроқ жалб қилиш ҳаракати бошланди. Имкониятлар эшиги эса катта: чет эллик талабалар учун махсус стипендия жорий қилинган, инглиз тили курслари ишлайди, швед тилини бепул ўрганиш ва имтиҳон топшириш мумкин. Швед олий таълимида иккита мусбат жиҳат бор. Биринчиси, анъанавий олий сифат. Мамлакат табиатининг бетакрор гўзаллиги етук мутахассис — менеджер, олим, муҳандислар тайёрлашга ҳам шароит туғдиради. Иккинчидан, бу ерда барча талабалар қайси миллатга мансублигидан қатъи назар текин билим оладилар.

Шундай қилиб, Швеция олий ўқув юртларида бир қадам олға юриш бошланди. Демак, бу ерда маҳаллий талабалардан ташқари бошқа давлат ёшларига ҳам имкониятлар эшиги очиқ.

Швеция университетларида ўқиш истагини билдирган абитуриент интернет орқали ўзи хоҳлаган ОЎЮнинг халқаро бўлимига мурожаат қилади. Чет элликлар шведлар билан умумий тартиб-қоидалар асосида танловдан ўтишади. Аввало, ундан базавий маълумотлардан хабардорлиги талаб қилинади. Яъни у ўзига яратиладиган ғамхўрликлар ҳақида биладими? Дейлик, у Швецияга келмасдан олдин интернет сайтлари орқали (WWW.Si.Se) Москва, Санкт-Петербург, Рига, Америкадан туриб бу олий ўқув юртлари ҳақида билиб олиши мумкин.

Қабул бир йилда икки марта бўлади. Беш ойлик мустақил курслар учун кузги семестрга жорий йилнинг 15 апрели, баҳорги семестрга 15 октябрига қадар ҳужжат топширилади. Ўрта мактабни, қисқа муддатли курсларни, бакалаврликни тугатганлиги ҳақида маълумотнома ёки диплом нусхаси абитуриентдан талаб қилинадиган асосий ҳужжатлардир. Унга эса ўз мамлакатининг бирор педагоги берган тавсиянома ҳам қўшиб топширилади. Уни қизиқтирган факультет электрон почтага уланганлиги сабабли абитуриентдан бу ҳақдаги реферат ҳам инглиз тилида талаб қилиб олинади.

Умуман, ҳар қандай мамлакат талабаси бу ерда таълим олишдан аввал ҳеч бўлмаганда бир йил ўз юртида таҳсил олгани маъқул. Мактабни тамомлаб, бирданига Швецияга келиб қолган чет эл фуқароси анча қийналиб қолади.

## ЭНГ МУҲИМИ ТУРАР ЖОЙ

Швеция университетларига ариза йўллаган талаба таълимни текин олса-да, у турар жой масаласини ўзи ҳал қилиши керак. Талаба ойига 750 $ стипендия олади. Шунинг учдан бир қисмини турар жойга тақсимлайди. Стокгольм ва Гетеборг шаҳарларида бошпанага эга бўлиш катта бахт ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий қудратининг юксалиши оқибатида аҳоли ўртасида турар жой муаммоси кескин кучайди. Ҳаттоки университетни битирган собиқ талабалар ҳам шинам уйга эга бўлишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Стокгольм шаҳрида уй-жойга эга бўлмаган, ижара ҳақининг юқорилигига чидолмасдан ошхона ёки чердакларда яшаб юрган шведлар ҳам йўқ эмас.

Талабалар 10-15 киши фойдаланишига мўлжалланган ётоқхоналарга ҳам жойлашишлари мумкин. Талабанинг турар жойга эҳтиёжи борлиги аниқ. Шу боис унинг ўқишга қабул қилинганлиги ҳақидаги хабарномага бир ойлик турар жой ҳақи кўрсатилган квитанция ҳам қўшиб берилади. Агар талаба Швецияга бормасликка қарор қилса, тўлов қайтарилмайди.

Швецияда билим олишни хоҳловчиларга келиши билан кредит карточкаси берилади. Унга банкда ҳисоб рақами очилади ва чет эл фуқаросининг кредит карточкаси ҳар қаерда ҳақиқийдир. Тўловнинг бу шакли Швецияда харид нархларини 25 фоизга қадар арзонлаштириш имконини беради.

## ФИЗИКЛАР ИЛГАРИЛАБ КЕТИШДИ

Бугунги кунда Швецияда математиклар, физиклар, кимёгар, биолог ва дастур тузувчи мутахассислар етиб ортади. Улар ижтимоий-гуманитар соҳа мутахассисларига нисбатан кўпроқ стипендия ва грантлар олишга эришаяптилар. Кимда-ким Стокгольм ва Гетеборг университетларига кириб, фундаменталь фанлар билан шуғулланишни истаса, унинг амалий тадқиқотлари кейинчалик олий қироллик техника, Чалмерсов мактабларида давом этади. Гуманитар соҳа мутахассисларига эса Уппсал ва Лунд университетлари хизмат қилади.

Стокгольм университети билан теппа-тенг обрўда юрадиган Седерторн олий мактаби ҳам борки, у пойтахтга яқин жойдадир. Мактаб 1996 йилда ўзининг илк талабаларини қабул қилган эди.

Швецияда таълим ва бизнес дунё қонуниятларига кўп ҳам мос тушавермайди. Стокгольм иқтисод мактаби Европа мамлакатларида юқори нуфузга эга. Мактабнинг Рига ва Петербургда филиаллари бор.

## МДҲдан ҲОЗИРЧА КАМРОҚ

Ҳақиқатан ҳам шундай. Умуман, мамлакат ўқув юртларининг талабалари учта гуруҳга бўлинади. Таълим услублари Германия, Дания, Финляндияникига ўхшаш. Инглиз миллатига мансублар бу ерда кўпроқ. Австралияликлар, янги зенляндияликлар ҳам кам эмас. Шарқий Европа фуқаролари ҳам етарли. МДҲ давлатларидан бориб таҳсил олаётганлар нисбатан кам. Лотин Америкаси, Япония, Хитой давлати вакиллари ҳам учрайди. Таълим олиш учун Швецияга энг кам фуқаро келадиган мамлакат бу Арабистон ва Африкадир.

**"Оптовик" журналидан олинди.**

# САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

*Балиқчи туманидаги 12-лицей-интернат 1995 йилда ташкил этилган. Ҳозир бу ерда 8 та синф мавжуд бўлиб, унда 320 нафар бола билим олмоқда. Илм масканида ёшларга билим бериш ишларининг намунали йўлга қўйилганлигини жамоада сўнгги йилларда эришилаётган ютуқлардан кўриш мумкин. Масалан, 2000 йилда 31 нафар битирувчидан 29 нафари республикамиздаги турли олий ўқув юртларига кирган бўлса, ўтган 2001 йилда 51 нафар битирувчидан 46 нафари талабаликка қабул қилинди.*

*— Хорижий ташкилот ва мутахассислар билан ҳамкорлигимиз ютуқлар гарови бўлаяпти, — дейди лицей директори Баҳром Темиров. — Бу борада халқаро АКСЕЛС ташкилоти билан ўрнатган алоқамиз ўз самарасини бермоқда. Бундан ташқари, шартномага кўра, чет эллик кўнгиллилар ўқув даргоҳимизга келиб, икки йил давомида ўқувчиларга сабоқ берди. Ўз навбатида тажрибали ўқитувчиларимиздан Иқболжон Жалилов 1999 йилда, Хабира Мамадалиева эса 2000 йилда чет элда малака ошириб қайтишди.*

*Айни пайтда ўқув даргоҳида ўқувчиларнинг инглиз тилини чуқур ўрганишлари учун яхши шароит яратилган. Бу ерда алоҳида фан кабинетлари мавжуд бўлиб, улар етарли ўқув жиҳозлари билан бойитилган. Шунингдек, даргоҳда «Соғлом авлод маркази» ташкил*

Xalqaro hamkorlik

*этилган бўлиб, ўқувчиларнинг соғлиғи шифокорларнинг доимий назоратидадир.*

*Лицей-интернатни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Чинобод пахта тозалаш заводи уни ўз ҳомийлигига олганлиги ҳам эътиборга моликдир. Шунингдек, айни кунда «Аббосхўжа» кичик корхонаси ҳам ўқув юртига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқда.*

*— Шуни алоҳида фаҳр билан айтиш мумкинки, — дейди ўқув ишлари бўйича бўлим мудири М.Ваҳобова, — иқтидорли ўқувчиларимиздан Зиёда Абдуллаева АКСЕЛС танловидан ўтиб, хорижда сабоқ олиб қайтди. 9-синф ўқувчилари Абдураҳмон Мажидов ва Зафарбек Тожибоевлар севимли адибимиз А.Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» шеърини инглиз тилига таржима қилишди. Бу эса шогирдларимизнинг илмга нақадар чанқоқлигини кўрсатиб турибди. Хорижлик ишбилармонлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилгани ҳам айни муддаодир.*

*Лицей-интернатда турли хил тўгаракларнинг фаолият кўрсатаётгани ўқувчиларга қўшимча касб-ҳунар ўрганиш имконини бераётир. Шинам ётоқхонада мазмунли хордиқ чиқариш учун зарур бўлган шароитнинг барчаси яратилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу илм даргоҳи педагогик жамоасининг халқаро ҳамкорлик борасидаги саъй-ҳаракатлари беиз кетмай, ўзининг самарасини бераяпти.*

**Одил ЭРГАШЕВ**

# ЛИЦЕЙДА КОРЕЙС ТИЛИ МАРКАЗИ

*Андижон вилояти ҳокимлиги ЎМКҲТ бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан вилоятда яшаётган турли миллат вакиллари иштирокида «Ўзбекистон-умумий уйимиз» ва «Конституция менинг тақдиримда» мавзуларида давра суҳбатлари, «Шу азиз Ватан-барчамизники» мавзусида ёш рассомларнинг тасвирий санъат асарлари кўргазмалари, вилоятдаги миллий-маданий марказлар фаоллари билан учрашувлар ташкил қилинди. Жумладан, Андижон Давлат университети қошидаги Асака академик лицейида корейс тилини ўрганиш маркази ташкил қилинди. Ҳозирда Асака академик лицейида хорижий филология йўналиши бўйича таҳсил олаётган 5 та гуруҳда иккинчи хорижий тил сифатида корейс тили ўрганилмоқда. Ўқувчиларнинг корейс тилини ўрганишида лицей ўқитувчилари Нодира Хожимуродова ва Ёрқиной Дилкашевалар ҳамда Осиё маданияти ва тараққиёти институти Андижон филиали ходимлари Пак Дже Бок ва Чонг Юнг Чонгларнинг хизматлари каттадир. Ушбу Марказнинг очилиш маросими академик лицейда катта тантанага айланиб кетди. Маросимда «УзДЭУавто» қўшма корхонаси бошлиғи Чанг Донг Вонг, унинг ўринбосари Ким Чин Ёнг, Осиё маданияти ва тараққиёти институти Андижон филиали директори Пак Дже Бок ва институт ходимлари ҳамда Асака шаҳар ҳокимияти вакиллари қатнашди.*

*Тадбирда ўқувчилар ва меҳмонларнинг Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳалардаги ютуқлари ҳақидаги маърузалари тингланди ҳамда ўқувчилар ўзбек, инглиз ва корейс тилларида тайёрланган адабий-бадиий композициясини ижро этдилар.*

*Шу куни Андижон Давлат университети қошидаги Асака академик лицейида ташкил этилган корейс тилини ўрганиш марказига Осиё маданияти ва тараққиёти институти томонидан 81 номда 240 дона, жами 7500 АҚШ долларига тенг инглиз тилидаги ижтимоий-сиёсий, бадиий ва ўқув адабиётлари ҳамда видеоиккилик, мусиқа маркази, персонал компьютер, корейс маданияти, тарихи ҳамда урф-одатларини акс эттирувчи видеотека совға қилинди.*

***Ҳамидулло МАТИСАЕВ,***
***Андижон вилояти ЎМКҲТ бошқармаси бош мутахассиси***

# САНЪАТ ЧЕГАРА БИЛМАС

Пойтахтдаги Халқ амалий санъати музейида "Швейцария миллий хунармандчилик намуналари" кўргазмаси очилди.

«Швейцария миллий ҳунармандчилик санъати асрлар оша ривожланиб келаётир, - деди музей директорининг ўринбосари Юлдуз Ёрмуҳамедова. » — Масалан, шимолий Швейцария ҳунармандчилик санъати Алп маданият намунасининг таркибий қисми ҳисобланади. Тичино шаҳрида эса Лотин маданияти ёдгорликлари кўпроқ учрайди. Бу нарсани фақат буюмларда учрайдиган айрим безак усулларидан фарқлаш мумкин.

XIX асрларда Швейцариянинг Аппенцел ва юқори Берн мулкидан тортиб, қўшни Эмментал шаҳрига қадар анъанавий қишлоқ ҳунармандчилиги санъати ривожланди. Бу ерлар керамика буюмларининг асосий марказларидан бири ҳисобланади. Шу пайтларда тараққиётнинг анъанавий рамзи бўлган сигир тасвири безакларда кўплаб ишлатилди. XX аср бошларида Швейцарияда юз берган тезкор саноатлашиш жараёнида бой миллий маданиятнинг кўплаб турларига путур етди. Замонавий ички дизайн асосида эски анъаналарни сақлаб қолган Скандинавия мамлакатларидан фарқли равишда Швейцария халқ санъатини ўзининг кундалик ҳаётига татбиқ эта олмади.

1930 йиллардан бошлаб Швейцария халқи яна ўз миллий ҳунарманчилигини тиклай бошлади. Ҳозирги кунда миллий анъаналар асосан Швейцариянинг катта шаҳарларидаги амалий санъат мактабларида ривожлантирилмоқда. Бу мактабларда замонавий безак техникаси, шунингдек бошқа маданиятларнинг ғоялари ўрганиляпти. Ҳозирги кунда миллий санъатимиз ўзаро маданий алоқаларни ривожлантириш орқали гуллаб-яшнамоқда."

Туркистон-пресс"

# УМАР ШАРИФ МУЛЬТФИЛЬМДА

**Голливудлик Андрей Болконский, мисрлик киноюлдуз Умар Шариф ўзларини анимацион жанрдаги фильмда синаб кўришга қарор қилишди. 60-йилларда "Дунёнинг энг чиройли эркаги" деб тан олинган Умар Шариф бу сафар кадр ортида бўлади. Унинг овози биринчи араб тўлиқ метражли анимацион фильмида янграйди. "Боғбон ва малика" деб номланган ушбу фильм Мисрда суратга олинади.**

**Мазкур лента Дисней мультфильмлари "Қирол шер" ва "Анастасия" каби катта масштабда ишланади. Безаклар ҳам, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам шунга яраша бўлади.**

**Унинг сценарий муаллифи ва режиссёри таниқли миср кинематографи Башир ад-Дик.**

**Фильм ғояси ад-Дик хаёлига тўсатдан келгани йўқ. "Нима учун Ғарбда араб маданияти, араб тарихидан кенг фойдаланишадию биз эса доимо сукут сақлаймиз. Ахир ўзимиз ҳам бой ўтмишимиз саҳифаларини варақлаб, уларни юзага олиб чиқишимиз керак", деди режиссёр.**

**Ушбу фильм қаҳрамонлик ва юксак севги-муҳаббатни тараннум этади. Саккизинчи асрда яшаган ва бир қанча жангу жадалларни кўрган ўн олти ёшли йигитнинг ҳаёти ва шоҳ қизи маликага бўлган муҳаббати фильмда акс этган. Ҳамма мультфильмлар каби бу фильм ҳам охир-оқибат икки севишган қалбнинг висоли билан якунланади.**

**Фильмни суратга олиш учун икки миллион доллар ажратилган. Режиссёрнинг фикрича, афсонанинг экрандаги талқини минглаб юраклардан жой олади ва яратувчиларига миллионлаб фойда келтиради.**

**Г.НОЗИМҲОЖИЕВА**

# АМЕРИКАНИНГ ЭРКАТОЙЛАРИ

Гап албатта кино юлдузлари ва севимли фильмлар устида бормоқда. Йигирма саккизинчи марта Америка халқи томонидан 2001 йилнинг севимлилари аниқланди. Калифорния штатининг Пасадена шаҳрида бўлиб ўтган "Халқ сайлови" танловининг тақдирлаш маросимида Том Хэнкс, Жулия Робертс ва "Тез ёрдам" сериали ижодкорлари Америка халқининг эркатойлари деб тан олинди.

Энг яхши драматик актёр номинациясига уч нафар актёр: Мел Гибсон, Антони Хопкинс ва Том Хэнкс даъвогар эдилар. Сўзсиз бунда Том Хэнкс ғолиб чиқди.

Севимли актриса сайловида эса саккизинчи бор Жулия Роберст ғалаба қозонди. Ёқимли табассум, тўлқинсимон сочлар, келишган қадди-қомат, энг муҳими "ҳамиша баҳор" деб таърифланадиган Жулия ҳақиқатдан ҳам бунга муносиб эди.

18 номдаги номинация ғолиблари "Тез ёрдам" сериали ва тўлиқметражли "Шрек" мультфильми ижодкорлари бўлишди. Энг яхши комик актёр америкаликлар назарида Эдди Мерфи экан.

# БАСКЕТБОЛ МАЙДОНИДАГИ КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСА

37 ёшли кино ва телережиссёр Тед Демме "Кокаин" фильми экранларга чиққандан сўнг жуда таниқли бўлиб кетганди. Бу фильмда Жонни Деп ва Пенелопа Крузнинг баскетбол ўйнайдиган саҳнаси режиссёр қатнашадиган Санта Моникадаги хусусий мактабда суратга олинганди.

Шу мактабда баскетбол билан шуғулланаётган Тед Деммини яқин ўртадаги тиббиёт марказига олиб келишди ва режиссёр юраги тўхтаганидан йигирма дақиқа ўтгач бу дунё билан хайрлашди.

Тўсатдан юз берган ушбу ўлим сабабини шифокорлар сир тутишмоқда.

"Кокаин" фильмигача Демме 1996 йилда суратга олинган, Ума Турман иштирокидаги "Гўзаллар" фильми орқали кино ишқибозларига таниш эди. Бундан ташқари Голливудда уни Жонатан Демминнинг ("Молчания ягнят" фильми режиссёри) жияни сифатида ҳам билишарди.

Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, Тед Демме триллер жанридаги фильм олишга тайёрланаётган эди. Олинажак фильмда Юэн Макгрегор бош ролни ижро этиши кўзда тутилганди.

*Спортда энг асосий ғалаба - саломатликка қўшилган ҳисса ҳамда ақлни - ақллар, фикрлар билан бойитиш, кўпчилик бўлиб биргаликда яхлит бир мақсад учун куч-қувват ва тезкорликни ишга солиб мардлик, ҳалоллик ва адолат деб аталувчи бебаҳо инсоний хислатларни ривожлантиришдир.*

*Бу кўрсатгич 2000 йилга нисбатан 2,3 фоизга камайган. 2000 йил давомида болалар иштирокидаги йўл-транспорт ходисаси 2742 та деб қайд этилганди.*



## Jahon sporti

### БРАЗИЛИЯ ФУТБОЛИДА ЖУДОЛИК

**Бразилиялик афсонавий футболчи Вава 67 ёшида ҳаётдан кўз юмди. У 1958 ва 1962 йилларда ўз ватанининг жаҳон чемпиони бўлишига улкан ҳисса қўшган. Ҳақиқий исми Эвалдо Изидио Нетто бўлган футболчи сўнгги йилларда юрак хасталигидан азоб чекаётганди. У ўз даврида футбол қироли Пеле ҳамда Гарринчалар билан майдонга тушиб, марказий ҳужумчи вазифасини юксак даражада адо этган эди.**

### САФИН ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ



**Австралияда жаҳон ракетка усталари иштирокида ўтказилаётган очиқ турнирда россиялик Марат Сафин америкалик Пит Сампрасни мағлубиятга учратди.**

**Муросасиз кечган баҳсда Сафин рақибидан 6-2, 6-4, 6-7, 7-6 ҳисобида устун келди. Энди россиялик теннисчи чорак финалда жанубий африкалик Уэйн Ферререга қарши кортга чиқади.**

### КИМ ҚАНЧА ПУЛ ОЛАДИ?



**Кеча АҚШнинг Лас-Вегас штатида "Темир мушт" номини олган Майк Тайсон ҳамда британиялик Леннокс Льюис ўртасида бўладиган жанг муддати расман эълон қилинди. Шундай қилиб 6 апрель куни ўтказиладиган икки оғир вазнли профессионал боксчилар учрашувида Тайсон ҳам Леннокс ҳам 17,5 млн. АҚШ долларидан пул олишади. Жанг ташкилотчиларига эса 100 млн. доллар тегади. 36 ёшли Льюис бугунга қадар WBC, IBF йўналишлари бўйича 39 марта ғалабага эришган бўлиб, унинг 30 тасида рақибини нокаут ҳолатига туширган. 35 ёшли Тайсон эса 49 маротаба ғолиб бўлиб, 43 тасида рақибини нокаутга учратган.**

### «ЯНА МАЙДОНГА ТУШАМАН»



**1998 йил Францияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида мезбонларнинг биринчиликни эгаллашларида Юрий Жоркаэффнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Аммо Германиянинг "Кайзерслаутен" клубида ярим ҳимоячи бўлиб ўйнаётган Жоркаэфф ўтган октябрь ойида "Шалке 04" жамоаси билан кечган ўйинда жиддий жароҳат олди. Шундан сўнг жамоа мураббийси Андреас Бреме унга у қадар эътибор бермай қўйди. Ҳозирда буткул соғайиб кетган Жоркаэфф эса келаётган ёз фаслида Жан. Корея ва Японияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида яна Франция терма жамоаси таркибида майдонга тушишини айтди.**

### ДУРАНГ НАТИЖА



**Англиянинг "Лидс" ва "Арсенал" клублари ўртасида кечган ўйин 1:1 дуранг натижа билан якунланди. Биринчи таймнинг саккизинчи дақиқасида Робби Фаулер ҳисобни очишга муваффақ бўлган эса, мазкур бўлим охирида Робер Пирес орадаги фарқни йўққа чиқарди. Гарчи иккинчи бўлимда икки жамоа ўйинчилари астойдил ҳаракат қилишсалар ҳам таблодаги ёзув ўзгармади. Бу натижа эса "Манчестер Юнайтед" клубининг чемпионлар лигасида карвонбошилик қилишини сақлаб қолишига имкон яратди.**

## АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

**Асака туманининг Ниёзботир қишлоғидаги ҳарбий-спорт лицей-интернатида Фарғона водийси ёшлари билан бирга республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг ёшлари таълим олмоқда.**

**Шу ўринда яна бир эътиборли маълумотни келтирайлик. Республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 6 та ҳарбий-спорт лицей-интернати мавжуд бўлиб,. улар ўртасида ҳар баҳорда "Амир Темур авлодлари" ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказиш анъанага айланган. Мазкур лицей-интернат жамоасининг ушбу нуфузли беллашувларда яхши натижаларга эришаётганлиги боис, бу галги мусобақалар Андижонда ўтказиладиган бўлди. Айни пайтда эса улар бу борада қизғин тайёргарлик кўрмоқда.**

**Мана, икки йилдирки, 14 январь куни байрам муносабати билан "Ватан ҳимоячилари ойлиги" ўтказилмоқда. Шу сабаб, лицей-интернатда ҳам ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ажшодларимиз меросига содиқ қолиш, пухта билим олишларига қаратилган кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот тадбирлари олиб борилмоқда. Яқинда гуруҳлар ўртасида спортнинг 8 тури бўйича мусобақалар ташкил қилинди. "Қувноқлар ва зукколар" ўйини ўтказилди. Унда ёшлар миллий истиқлол ғояси ва Конституцияни ўрганиш бўйича эгаллаётган билимларини намойиш этдилар.**

**О.СИДДИҚОВ**

## Milliy o'yinlar

# ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?

Халқимизга таниш оқ ва кўк тераклар шамол турганда, бўрон қўзғалганда эгилиб-тикланиб ҳаракат қилган. Ёш қаламча учи ерга тегарли даражада ўйинга тушган. Бу ҳаракат уларнинг оғир, қийин юкларни кўтаришда чидамлилик хусусиятини билдирган. Қуйидаги ўйин мағзида ҳам инсонларни ҳаётдаги шамоллар ва бўронларга дуч келиб қолганда чидамга тайёрлаш мақсади ётади.

Оқ теракми-кўк терак?

Иштирокчиларнинг бошларида осон кийиладиган дўппи бўлиб, оралиғи 25-30 метр бўлган текис майдоннинг икки томонида 4—7 киши (томонлардагилар сони бир хил) ёнма-ён турадилар. Ва бир-бирларининг қўлларини ушлаб ён томонларига имкон қадар ёйиладилар. Ўйингга ҳакамлик қилувчи қуръа ташлагач, унда омади келган томон жўр бўлиб:

Оқ теракми, кўк терак?

Биздан сизга ким керак?

дея қарши томонга мурожаат қилади. Қабул қилувчи томон ҳам жўр бўлиб жавоб беради:

Оқ теракми-кўк терак,

Сиздан бизга Нурмат керак!

деб ўзлари танлаган кишини чақирадилар. Нурмат қатордан чиқиб тез югурган ҳолда чақирганлар томонига йўл олади.

Шунда ҳар икки жамоа ўйинчилари қуйидаги ҳаракатларни бажаришга киришадилар. Меҳмон чақирган жамоа аъзолари букилиш, эгилиш ҳаракатларини бажаришда чақирилган меҳмондан эҳтиёт бўлишлари керак. У жамоа аъзолари сафини 2 дақиқа ичида 3 марта айланиб ўтишга ҳақли. Бу ҳаракат билан у қулай, бехатар оралиқни қидиради. Тебраниб турганлар орасидан эгилиб бошини нариги томонга ўтказиб олса у қийин вазифанинг биринчисини бажаради. Агар Нурмат яқинлашиши билан икки киши орасидан боши ўтиб улгурмай дўпписини сафдагилардан бири олиб қўйса Нурмат ўз жамоасидан бегона бўлиб меҳмонга чақирган жамоанинг аъзосига айланади. Эътибор беринг сафланганлар Нурматни қўл оёқларидан тутиб тўхтатишлари мумкин эмас, дўпписини бошидан олиб қўйишини беозорлик билан амалга оширадилар. Жамоалар қуйидаги ҳаракатларни бир-бирларига мослашган ҳолда ижро этишни бошлайдилар. Ўнг оёқ олдинга бир қадам узатилган ҳолда, иккала оёқ товон ва бармоқлари ерга тиралиб, тиззани букмасдан гавда олдинга эгилади, ўнг оёқнинг болдир суяги энг ингичка жойидан ҳар икки қўл кафт ва бармоқлари билан ушлаб елкани янада эгишга ҳаракат қилинади. Мушак толаларининг чўзилувчанлик имконияти бу машқларда аста-секин оша боради. Бир неча кунлик мунтазам машқлар мушаклар чўзилишига, янги маррага интилишга имконият яратади. Ўйинлар, машқлар давомида бу ривожланиш янгидан-янги босқичларни қўлга киритиш воситаси бўлиб қолади. Эгилган холатни бутун жамоа билан биргаликда тамомлаб ҳамма бир кишидек ўнг томонга чорак бурчак ҳосил қилиб буриладилар. Қадларини ростлашгач қўлларни олдинга кўтариб елка тенглигида бир зум текис тутадилар ва кафтларни бир-бирига уриштириб қўлларни юқорига кўтариб икки марта чапак чаладилар. Қўлларни пастга тушириб яна ўнгга чорак доира миқдорида бурилиб чап оёқ чизиқдан бир қадам олдинга узатилади. Болдир ушлаш машқи бажарилади. Бу сафар чап оёқ болдири тиззани букмай ушлаб турилади. Бутун жамоа бирдамлик кўрсатиб қаддларини ростлайди қўлларини ёнга тушириб яна ўнг томонга чорак доира ясаб буриладилар. Қўлларни елка баробарида ён томонга узатиб сафланган жамоанинг қўллари ва елкалари иштирокида текис, тўғри чизиқ ясайдилар. Ёндаги шерикларининг қўллари билан кафтлари туташиб бир хил йўналишда яхлит тизим яратилади. Жамоа бирдамлик билан бармоқларини, кафтни ёзиб қўлларини елка баландлигида олдингга узатиб икки марта чапак чаладилар ва қўлларини ёнга туширадилар. Жамоаларнинг ҳаракати шу тартибда давом этаверади. Ҳар томоннинг бундай ҳаракатлардаги уйғунлик, мосланганлик, эгилувчанлик сифатлари ҳисобга олиниб ҳакам томонидан 5 баллдан 10 баллгача баҳо берилиши мумкин. Қўшни жамоага чақирилган Нурмат мезбонлар орасидан бўшанг халқани қидиради, уларни чалғитиб энгашган ҳолда улар орасидаги иккинчи томонга дўппи билан чиқиб олишга талпинади. Оралиқни ташкил қилганлар тезлик билан унинг дўпписини олиб юқорига кўтарсалар Нурмат ушланган бўлади. Жамоанинг бошқа аъзолари ўйин қоидасида белгиланган ҳаракатларни давом эттираверадилар. Ҳакамнинг буйруғи билан жамоа бошлаб қўйилган айланма ўйинни бир неча дақиқага янги босқични бошлаш мақсадида тўхтатишади. Нурмат мезбонлар халқасидан дўппини олдирмай ўтиб олса "чақирилган меҳмон манзили" чизиғига бориб тўхтайди, жамоага қараб:

Оқ теракми, кўк терак

Сиздан бизга Нодир керак!

деб ўз жамоаси томон югуради Нодир Нурматни қувлаб уни жамоасининг олдига "меҳмон чизиғига" етгунча олдиндан тўсиб чиқса Нурматни ўз жамоасига олиб кетади, етолмаса Нодир Нурматлар жамоасига қўшилади.

Ўйин давомида ўз жамоаси аъзоларини кўпайтирган томон ғолиб бўлади. Ўйин охиригача қўшиб олинган ҳар болага 5 балл берилади.

Спортда энг асосий ғалаба - саломатликка қўшилган ҳисса ҳамда ақлни - ақллар, фикрлар билан бойитиш, кўпчилик бўлиб биргаликда яхлит бир мақсад учун куч-қувват ва тезкорликни ишга солиб мардлик, ҳалоллик ва адолат деб аталувчи бебаҳо инсоний ҳислатларни ривожлантиришдир. Мусобақада мағлубиятни татиб кўрмаган инсон йўқ. Йиқилиб қолганда ҳам ўриндан туриб олдинга интилган, ғолиблик учун чинакам тайёргарлик билан шуғулланганда омади чопмаган-қувнамаган инсон ҳам йўқ. Спорт болани ёшликдан қатъиятга ўргатиб, унга олдинга интилиш хусусиятини унга сингдиради.

**Ф.НАСРИДДИНОВ,**
**профессор,**
**Ш.ТЎЛАГАНОВ,**
**фалсафа фанлари номзоди**



## DIQQAT CHORRAHA

**Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жароҳатланаётган, ҳалок бўлаётган болалар ҳақида имкон қадар сўз юритиб келмоқдамиз.**

**Республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси маълумотларига мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган 2001 йилда болалар билан боғлиқ бўлган 2679 та йўл-транспорт ҳодисаси аниқланган. Бу кўрсатгич 2000 йилга нисбатан 2,3 фоизга камайган. 2000 йил давомида болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаси 2742 та деб қайд этилганди.**

**Ушбу ҳодисаларда 2001 йилда 392 нафар бола бевақт ҳаётдан кўз юмди. Болалар ўлими 2000 йилга нисбатан 1,3 фоизга ошган. 2000 йилда 387 нафар болалар айнан автоҳалокат оқибатида бу дунё билан хайрлашган эдилар.**

**2001 йилнинг умумий кўрсаткичларига кўра, Қашқадарё вилоятида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари мураббийлар ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларининг биргаликда олиб бораётган саъй-ҳаракатларига қарамасдан камаймаяпти. Барча вилоятлар ўртасида рекорд натижа ўрнатган Қашқадарё вилоятида 2001 йилда болалар иштирокида 149 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Бу фалокатлар оқибатида 40 нафар бола вафот этиб, 123 нафари турли даражадаги тан жароҳати олган.**

**Тошкент шаҳрида ҳам 674 та автоҳалокат фақат болалар иштирокида содир этилган. Бу 2000 йилга солиштирганда 0,6 фоиз кўпайганлигидан далолат. 38 нафар бола вафот этган ушбу йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 684 нафар бола жароҳат олган.**

**Хоразм вилоятида 2000 йилда болалар билан боғлиқ ҳолда содир этилган 60 та йўл-транспорт ҳодисаси қайд этилган бўлса, 2001 йилда бу кўрсатгич 49 тани кўрсатди. Бу 2000 йилга нисбатан 18,3 фоизга камайганлигидан далолат. Афсуски, йўл-транспорт ҳодисаси кескин камайган бўлса-да, бу воқеаларда 15 нафар бола вафот этган. 2000 йилда бу рақамлар 10 тани кўрсатган эди.**

**Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятларида болалар иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сезиларли даражада камайганлиги кишини қувонтиради.**

**2001 йилнинг 12 декабрь куни соат 11.30 лар атрофида Муқимий 1-тор кўча 8-9-уйда яшовчи 1937 йилда туғилган Анвар Каримов "CUTPOEN" русумли, давлат рақам белгиси 10 Т 4990 бўлган автомашинасини бошқариб бораётиб, С.Раҳимов тумани Шоший 3-берк кўча 4-уйда яшовчи, 1995 йилда туғилган Иброҳим Носировни уриб юборган. И.Носиров вафот этган.**

**16 декабрь куни соат 14.30лар атрофида Тошкент-Туркистон автомобил йўлида Тошкент вилояти Зангиота тумани Иттифоқ жамоа хўжалигида яшовчи "Дамачи балиқчи" фермасида ишловчи 1976 йилда туғилган М.Байтенов "ГАЗ-53" русумли, давлат рақам белгиси 2599 ТШС бўлган автомобилни бошқариб бораётиб, йўлни кесиб ўтаётган пиёда, Зангиота тумани Назарбек жамоа хўжалиги Алоқа кўчасида яшаган 7-мактабнинг 2-синф ўқувчиси 1993 йилда туғилган М.Собировани уриб юборган. М.Собирова вафот этган.**

**Сирдарё вилояти Сайҳунобод туманида ҳам 29 декабрь куни соат 15.30ларда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Меҳнатобод тумани Т.Юнусов ширкат хўжалигида яшовчи, ишламайдиган,1966 йилда туғилган Шукур Эшонкулов шахсий "ГАЗ-53" русумли давлат рақам белгиси 12 Д 1709 бўлган автомашинани бошқараётиб Гулистон-Оққўрғон йўлининг 38 кмда Сайҳунобод тумани Пахтакор ширкатлар уюшмасида яшаган 17-мактабнинг 7-синф ўқувчиси 1989 йилда туғилган Ирода Пардаевани уриб юборган. Натижада И.Пардаева вафот этган.**

**Умид қиламизки, 2002 йилда бу каби ҳодисалар камаяди.**

**Республика ИИВ йўл-ҳаракати хавфсизлиги Бош Бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.**

# МАШИНА ЎҒИРЛАГАН ТАЛАБА

Машина ҳайдашни орзу қилмайдиган ёшлар кам топилса керак. Айниқса, талабалар орасида автомобиль бошқаришга қизиқувчилар шу қадар кўпки, ҳатто уларнинг айримлари эгасиз машинани кўрганда ўзларини тутолмай, унинг рулига ўтириб, қуённинг расмини чизиб қолмоқчи бўлишар экан. Лекин қонун-қоида ва тартиб-амаллар уларнинг бу қилиғини кўтаравермайди. Айниқса, бировнинг машинасини рухсатсиз ҳайдаб қочиш жиноят эканлигини бўлғуси ҳуқуқшуноснинг тушунмаганлиги бизни ажаблантирди.

Хуллас, Андижон вилояти Қорасув шаҳридаги Дўстлик кўчасида жойлашган автомобиллар турар жойидан шу шаҳарнинг Амир Темур кўчасида яшовчи 1982 йилда туғилган фуқаро Т.Азимжоновнинг давлат белгиси 17 А 8211 бўлган "Дамас" русумли автомашинаси йўқолгач, дарҳол ички ишлар ходимлари хабардор қилинди. Зудлик билан олиб борилган тезкор тадбирлардан сўнг "Дамас"ни Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани 16-даҳа 16-уйда яшовчи, Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқшунослик факультети 3-босқич талабаси, 1976 йилда туғилган У.Мирзаев олиб қочганлиги маълум бўлди ва у ҳибсга олинди.

Бўлажак қонун ҳимоячисининг бу жинояти юзасидан ҳозирда ички ишлар ходимлари тергов олиб боришмоқда.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**ИИВ Матбуот маркази ходими**



## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси 2002 йилнинг февраль ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари:
01.02.2002й. 28.02.2002й.
2. Мактабгача таълим услубчилари:
01.02.2002й. 28.02.2002й.
3. Мактабгача таълим муассасаси мусиқа раҳбарлари:
04.02.2002й. 23.02.2002й.

Курс давомида тингловчилар учун таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва маданий масканларга саёҳатлар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, қироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Суткали ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

**Манзилимиз: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй. Транспортлар: Жанубий темирйўл вокзалидан 8-трол. "Талабалар шаҳарчаси"**

**А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ 2002 йилнинг февраль ойида қуйидаги тоифалар бўйича курсларни режалаштирган:**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар курси | ўзб | 1-28 |
| 2 | Мутахассислиги тарих- география бўлган директорлар курси | ўзб | 1-28 |
| 3 | Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар курси | ўзб | 1-28 |
| 4 | Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар курси | ўзб | 1-28 |
| 5 | Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар курси | ўзб | 1-28 |
| 6 | Мутахассислиги рус ва хорижий тиллар бўлган директорлар курси | ўзб | 1-28 |
| 7 | Ёш директорлар (ушбу лавозимда 5 йилгача ишлаётганлар) курси | ўзб | 1-28 |
| 8 | Туман (шаҳар) ХТБ мудирлари курси | ўзб | 1-14 |
| 9 | Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун ЎУТ янги ўқув дастури бўйича мақсадли курси (химия-биология) | ўзб | 1-14 |
| 10 | Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун ЎУТ янги ўқув дастури бўйича мақсадли курси (ўзбек тили ва адабиёти) | ўзб | 1-14 |
| 11 | Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун ЎУТ янги ўқув дастури бўйича мақсадли курси (иқтисодиёт, Давлат ҳуқуқ асослари) | ўзб | 15-28 |
| 12 | Туман (шаҳар) ХТБ бошланғич таълим методистлари учун илғор педагогик технологиялар ва янги рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси | ўзб | 15-28 |
| 13 | Йўл ҳаракати қоидалари ўқитувчилари курси (Жиззах вилояти) | ўзб | 18-23 |
| 14 | Мактаб амалиётчи психологлари учун мақсадли курс | ўзб | 15-28 |
| 15 | Кар ва заиф эшитувчи мактаб-интернатларнинг математика ўқитувчилари курси | ўзб | 15-28 |
| 16 | Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларининг она тили ўқитувчилари курси | ўзб | 1-14 |
| 17 | Спорт мактабларининг волейбол бўйича тренер ўқитувчилари курси | ўзб | 1-28 |
| 18 | УТИМ методистлари курси | ўзб | 1-14 |

*Эслатмалар:*

*1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Транспорт харажатлари фақат темир йўл ва автобус чипталари асосида тўланади.*

*Курсларда таниқли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари машғулотлар олиб борадилар; санъаткорлар ва матбуот ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.*

*2. Тингловчининг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт, акс ҳолда тингловчилар курсларга қабул қилинмайди ва қайтариб юборилади.*

*3. Тоифага мос келмаган тингловчиларни қайтарилганда, сафар харажатлари тўланмайди.*

*4. Кечикиб келган тингловчиларни истисно тариқасида ўқиган кунлари учун фақат маълумотнома бериш шарти билан қабул қилиниши мумкин.*

*5. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторий ўз ишини бошлади. Унга фақат вилоят касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган йўлланма ёки далолатнома бўйича қабул қилинади.*

**Манзилимиз: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй, Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" бекатигача.**

